БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 245 (476)

13 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Кашмирда бўлиши. Садри-Раёсат Ю. К. Сингх сўзи. Н. А. Булганин сўзи. Қашмир бош министри Г. М. Бахши сўзи. Н. С. Хрушчев сўзи (1 ва 2-нчи бетлар).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **С. Орипов.** — Саноат ва қишлоқ хўжалигига раҳбарликни янада кучайтирайлик. **Ҳ. Абдусаматов.** — Барча колхозларда пахтадан мўл ҳосил олиниши та'минлансин (2-нчи бет).

Бутун куч даладаги барча ҳосилни сўнгги граммигача нобуд қилмай йиғиб олишга қаратилсин! Ш. Кузанбоев. — Бўкада ҳосил далаларда қолиб кетмоқда. **А. Набихўжаев.** — Квадрат-уялаб экишнинг афзалликлари (3-нчи бет).

А. Абдунабиев. — Ишчи ёшларнинг активлигини янада оширайлик (3-нчи бет).

Дания бош министри ва ташқи ишлар министри Хансеннинг Москвага келишига доир (4-нчи бет).

Иври-Сенадаги сайловолди йиғилишида Морис Торез нутқи (4-нчи бет).

Қарантин тўғрисида ва қишлоқ хўжалик ўсимликларининг зараркунандалари ҳамда касалликлари билан кураш юзасидан тузилган Совет-Албания Конвенциясининг ратификация ёрлиқлари айирбошланганлиги тўғрисида ахборот (4-нчи бет).

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва Бирма Иттифоқи Бош Министри У Нунинг биргаликда чиқарган баёноти тўғрисида «Нян дан» газетасининг ёзганлари (4-бет).

Ёшларни келажак практик ишларга пухта тайёрлайлик

Совет ёшларининг эртаги куни, келажаги бугунгисидан ҳам порлоқ ва қувончлироқдир. Чунки, партия ва ҳукуматимиз ёшларга фан асосларини пухта эгаллаш, ўзларининг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ҳартомонлама ўстириш учун ҳамма имкониятларни яратиб бермоқдалар.

Кўркам бинолар, бой ўқув-тажриба кабинетлари ва педагогика ишининг моҳир мастерлари бўлган кўпсонли ўқитувчилар блан та'минланган бизнинг мактабларимиз ёш авлодни коммунистик жамиятнинг онгли ва актив қурувчилари — билимдон, жисмоний соғлом, меҳнатсевар кишилар қилиб тарбияламоқда, уларнинг ҳартурли касб ва мутахассисликларни эгаллашлари учун барча қулай шароитлар вужудга келтирилмоқда.

Партия XIX с'езди умумий та'лим мактабларининг ёшларни тарбиялаш соҳасидаги аҳамиятини янада ошириш мақсадида ўқув процессига политехника та'лимини жорий қилиш вазифаларини белгилаб берди. Бу муҳим тадбирнинг муваффақиятли амалга оширилиши ёшларни келажак практик ишларга пухта тайёрлаш, ўқувчиларнинг физика, химия, биология ва бошқа фанлардан мустаҳкам билим олишлари ҳамда уларнинг ўрта мактабни тамомлагач, касбларни эркин суратда танлайолишлари ва махсус олий ўқув юртларига кириб муваффақиятли ўқишлари учун катта қулайлик туғдиради.

Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги бирқатор мактабларнинг педагогик коллективлари ўқув процессида политехника та'лими принципларига қат'ий амал қилиб, бу соҳада дастлабки муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар, илғор ўқитувчилар ҳарбир дарсни юксак назарий-ғоявий савияда ўтказиб ва ўтиладиган темани мамлакатимизда коммунизм қурилишининг муҳим практик вазифалари блан боғлаб олиб бориб, ўқувчиларга политехник та'лим элементларини сингдирмоқдалар.

Ўқув процессига политехника та'лимини жорий қилишда Тошкент шаҳар, Ленин районидаги 93 ва 68-нчи ўрта мактаб коллективларининг ортдирган тажрибалари диққатга сазовордир. Бу мактабларда яхши жиҳозланган физика, химия, биология кабинетлари ва ўқув мастерскойлари бор. Ўқитувчилар фан кабинетлари ва мастерскойларда системали равишда тажрибалар ўтказиб, ўқувчиларнинг назарий билимларини практик машғулотлар блан мустаҳкамлаб келадилар. Шу блан бирга ўқувчиларга завод ишлабчиқариши блан яқиндан танишиш имконияти ҳам яратиб берилган. Бу мактабларда оталик қилучи ремонт-механика заводи ва 1-нчи авторемонт заводи коллективлари ўқув-тажриба кабинетлари ва мастерскойлар ташкил этишда катта ёрдам кўрсатдилар. Завод инженерлари, технологлари ва мастерлари мактаб ўқувчилари ўртасида техникага доир ма'лум темаларда лекциялар ўқийдилар, сўнгра ўқилган лекциялар юзасидан заводларга экскурсиялар уюштирилади. Бундай тадбирларнинг ичида амалга оширилиши натижасида мазкур мактабларда ўқув-тарбия ишларининг сифати яхшиланмоқда ва ўқувчиларнинг программа материаллари юзасидан чуқур ва мустаҳкам билим олишларига эришилмоқда.

Лекин, областимиздаги ҳамма мактабларда ҳам политехника та'лимини жорий қилишда ана шундай тадбирлар амалга оширилаётгани йўқ. Бу соҳада айниқса қишлоқ жойларида катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Кўпгина мактабларда физика, химия, биология ва бошқа фан кабинетлари тажриба асбоблари ва кўргазмали ўқув қуроллари блан лозим даражада та'минланмаган ёки мастерскойлар ташкил этилмаган. Айрим мактабларда дарслар практик машғулотларсиз ўтказилмоқда. Бу эса ўқув-тарбия ишларининг сифатига ёмон та'сир қилмоқда.

Улуғ Ленин та'лим бериб айтган эдики, «Ёш авлодни ўқитиш иши унумли меҳнат блан боғлаб олиб борилмаса, келгуси жамиятнинг идеалини тасаввур қилиб бўлмайди, чунки унумли меҳнат қилмай туриб ўқиш ва билим олиш ҳам, ўқимасдан ва билим олмасдан туриб, унумли меҳнат қилиш ҳам техника ва фаннинг ҳозирги даражаси талаб қилган юксакликка кўтарилаолмаган бўлур эди».

Модомики, шундай экан, халқ маорифи органлари ва мактабларнинг педагогик коллективлари олдида ёш авлодга та'лим бериш сифатини янада яхшилаш, уларни келажак практик ишларга пухта тайёрлаш каби мураккаб ва мас'улиятли вазифалар турипти. Бу шарафли вазифани муваффақиятли бажариш учун биринчи навбатда мактабларнинг ўқув-материал базасини мустаҳкамлаш, фан кабинетлари, ўқув мастерскойлари ташкил этиш ва уларни тажриба асбоблари ҳамда кўргазмали ўқув қуроллари блан мукаммал жиҳозлантириш керак.

Болаларда меҳнатга муҳаббатни тарбиялашда ўқитувчилар ҳал қилучи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ҳарбир ўқитучи ўз фанини пухта билган, ишлабчиқаришдан яхши хабардор бўлган ҳамда дарс процессида назария блан практикани бирга қўшиб олиб бориш санъатини эгаллаган бўлиши лозим. Шу блан бир қаторда ўқучининг политехник билимини кенгайтиришда синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак. Турли фан тўгараклари, мастерской ва мактаб тажриба участкаларидаги амалий машғулотлар ўқувчиларнинг синфда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларда практик малака ҳосил қилишда катта ёрдам беради. Мактаб ўқитучилари завод, фабрика, колхоз, совхоз ва МТС ларга ўқучиларнинг экскурсияларини уюштиришлари, уларни хилма-хил машиналар, механизмлар блан таништириб боришлари лозим.

Политехника та'лимини ўқув процессида амалга ошириш биргина мактаб коллективларининг иши бўлмай, балки бутун жамоатчиликнинг жонажон ишидир. Мактабларга оталик қилучи корхона ва муассасалар актив ёрдам берганларидагина болаларни меҳнат процесси блан мукаммал таништириш учун барча қулай имкониятларни яратиш мумкин. Лекин мактабларга оталик қилучи айрим министрликлар, саноат корхоналари, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарлари физика, химия, биология кабинетларини жиҳозлаш, ўқув мастерскойлари ташкил этишда мактабларга амалий ёрдам кўрсатмаётирлар, кўпинча бу масалала улар қуриқ ва'да беришдан нарига ўтмайдилар. Масалан, Тошкент шаҳар, Марказий райондаги мактабларни оталикка олган Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги, Ўзбекбирлашув ва Тошкент трамвай-троллейбус трестининг раҳбарлари ана шундай қилмоқдалар.

Ма'лумки, олий ўқув юртларида болаларнинг диққатини инженерлик, врачлик, ўқитучилик, агрономлик ва бошқа турли касбларга жалб этиш мақсадида «очиқ эшиклар куни» ташкил этилади. Лекин завод ва фабрикаларимизда ана шундай очиқ эшиклар куни ташкил этилмаётир. Ахир, болаларимизни нима учун ўз ота-оналарининг шарафли меҳнати блан таништириб, уларда турли касбларга ҳавас ва қизиқиш уйротиш тадбирларини кўриш мумкин эмас? Ба'зи ёшларимизда жисмоний меҳнатга менсимай қараш кайфиятларининг борлиги ҳам худди ана шундан келиб чиқмоқда.

Болани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда оила ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки, бола биринчи марта оила шароитида меҳнат намуналари блан танишади. Бу эса ҳарбир ота-она ва катта ёшдаги оила а'зосидан болани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда шахсий намуна кўрсатишни талаб этади. Айниқса ихтисосли ота-оналар ўз болаларини оилада меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш блан бирга мактабда политехник та'лимни жорий қилиш, фан кабинетларини жиҳозлаш ва ўқув мастерскойлари ташкил этишда актив ёрдам беришлари лозим.

Ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг бевосита бурчидир. Улар мактабларнинг энг хилма-хил талаблари ва эҳтиёжларини қондириб туришлари ҳамда ўқув процессига политехника та'лимини жорий қилишда халқ маорифи органлари ва мактаб коллективларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

Сиёсий иқтисод дарслигининг иккинчи нашри босилиб чиқди

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти сиёсий иқтисод дарслигининг иккинчи, тўлдирилган нашрини босиб чиқарди.

Дарслик 1954 йил охирида 6 миллиондан кўпроқ нусхада биринчи марта нашр этилиб, қисқа муддат ичида тарқалган эди. Дарслик рус тилида чиққан нашрилан ташқари яна СССРнинг айрим халқлари тилларида ва бирқанча четэл мамлакатларида ҳам босиб чиқарилди. Дарсликнинг иккинчи нашрига эҳтиёж туғилди.

Дарсликнинг иккинчи нашрига СССР ва халқ демократияси мамлакатлари социалистик экономикасининг тинмай ривожланиб бораётганлигини, шунингдек капитализмнинг умумий кризиси янада чуқурлашиб бораётганлигини акс эттиручи янги фактлар ва қоидалар киритилди. Авторлар коллективи иккинчи нашрни тайёрлаш даврида олий ўқув юртларида, партия маорифи тармоғида ва мустақил равишда мазкур дарслик бўйича сиёсий иқтисодни ўрганиш тажрибасини, шунингдек экономистларнинг бирқанча шаҳарларда ўтказилган кенгашларида, олий ўқув юртлари сиёсий иқтисод кафедраларининг мажлисларида ва китобхонларнинг хатларида дарслик юзасидан айтилган истакларни назарга олди.

Сиёсий иқтисод дарслигининг иккинчи нашри авторлар коллективининг а'золари: академик К. В. Островитянов, СССР Фанлар академияси корреспондент а'зоси Д. Т. Шепилов, СССР Фанлар академияси корреспондент а'зоси Л. А. Леонтьев, Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий а'зоси И. Д. Лаптев, профессор И. И. Кузьминов, иқтисодий фанлар доктори Л. М. Гатовский томонидан тайёрланган.

Дарслик кўп нусхада нашр этилди. (ТАСС).

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Кашмирда бўлиши

СРИНАГАР, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун эрта блан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Кашмир бош министри Г. М. Бахши блан биргаликда Сринагарда Кашмир ҳунармандлари ишлаган буюмлар сотиладиган давлат эмпориуми (магазин)да бўлдилар. Бу магазинда меҳмонларга нафис кашталар, шалълар, гиламлар, заргар, наққош ва ўймакорлар ишлаган буюмлар виставкаси кўрсатилди.

Садри-Раёсат (Кашмир бошлиғи) Ювараж Каран Сингх ўз резиденциясида Булганин ва Хрушчев ўртоқлар шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга қилган сафаридаги ҳамроҳлари, Кашмир томонидан — бош министр Г. М. Бахши бошчилигида ҳукумат министрлари ва ҳукуматнинг олий амалдорлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Садри-Раёсат ва Н. А. Булганин нутқ сўзладилар. Садри-Раёсат меҳмонларни Жамму ва Кашмир халқи ҳамда ҳукумати номидан самимий табриклади.

Садри-Раёсат Ю. К. Сингх сўзи

Ҳиндистон Иттифоқининг бу штатидаги табиат гўзалликлари ва нафис ҳунармандчилик, деди Садри-Раёсат, бутун дун'ёга машҳурдир. Сизнинг Ҳиндистонга визит блан келишингиз э'лон қилинган пайтдан буён биз Кашмирга келишингизга доим умид боғлаган эдик. Бу визитингиз сизлар учун бирмунча ноқулай бўлишига қарамай; бизни ҳурмат қилиб келганлигингиз учун сизлардан миннатдормиз. Бизнинг халқимиз сизнинг бу ишингизга юксак баҳо беради. Биз фақат шу нарсадан афсус қиламизки, биз йилнинг бу фаслида Сизларга Кашмирнинг бутун фазилатларини кўрсатаолмаймиз. Сизлар қачон бўлса ҳам кўклам ёки ёз фаслида, табиатимизнинг энг бой ҳозу-не'матлари барқ уриб турган бир пайтда бизга келарсиз, деб астойдил умид қиламан.

Бизнинг улуғ Бош Министримиз Жавоҳарлал Неру Россияга тарихий визит блан борганидан кейин тез орада Сизларнинг Ҳиндистонга визит блан келишингиз миллий ва халқаро миқ'ёсда жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида дўстона яхши қўшничилик муносабатларининг қадимий традицияси мавжуддир, аммо, бизнинг ўртамиздаги муносабатларимиз ҳозир ҳақиқатан ҳам ўзгача тус олмоқда. Биз ўртамиздаги тарихий сабабларга кўра кейинги вақтларгача ривожланмаган эдик. Энди биз суверен, мустақил республика бўлганимиздан кейин, Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи ўртасида панча-шиланинг олижаноб принципларига асосида дўстлик, ҳамжиҳатлик алоқалари вужудга келди. Бу дўстлик бутун дун'ёда тинчлик ўрнатиш ва бу тинчликни сақлаш йўлида, кишиларнинг бутун куч-ғайрати инсоният фаровонлигини оширишга сафарбар қилиниши мумкин бўлган шарт-шароитни вужудга келтириш йўлида яхши ишлардан дарак беради. Биз, Кашмирда Ҳиндистоннинг бошқа қисмларидаги ватандошларимиз блан биргаликда ана шу тарихий процессни табриклаймоқдамиз.

Буерга келиб, бизни иззат-ҳурмат қилганлигингиз учун Сизларга яна бир марта ташаккур изҳор қилишга ва ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги дўстлик ҳар сайин кучайиб боради, деб ишонч билдиришга ижозат берғайсиз. Жай Ҳинд! (Яшасин Ҳиндистон!). **(Гулдурос қарсаклар).**

* * *

Зиёфатда Н. А. Булганин жавоб нутқи сўзлади.

Н. А. Булганин сўзи

Садри-Раёсат!

Бизни сидқидил блан шодиёна қутиб олганлигингиз учун, буерда бизнинг ша'нимизга айтган табрик сўзларингиз учун Сизга самимий ташаккур билдирамиз. Биз, Кашмирга келиш тўғрисидаги таклифни мамнуният блан қабул қилдик. **(Қарсаклар).**

Совет кишилари Кашмирнинг бой ва ўзига хос маданиятидан яхши хабардордирлар. Кашмир Ҳиндистонга кўпгина отоқли олимларни, тарихчиларни, ёзувчиларни, сиёсий арбобларни ва сан'ат арбобларини етиштириб берди.

Совет Иттифоқида Кашмирнинг меҳнатсевар ва талантли ҳунармандчилари яратган нафис буюмларни ғоят қадрлайдилар. Биз шундай қадрлаш блан хато қилмадик. Бугун маҳаллий усталар ишлаган буюмлар виставкасини бориб кўрганимизда, уларнинг маҳорати нақадар юксак эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик.

Кашмирнинг талантли ва меҳнатсевар халқи Ҳиндистоннинг барча халқлари блан биргаликда иқтисодий ва маданий қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришади, деб ўйлаймиз.

Садри-Раёсат, Сиз Совет Иттифоқи блан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик кейинги вақтларда панча-шиланинг ма'лум беш принципи асосида айниқса самарали ривожланабошлади, деб жуда тўғри айтдингиз. Бу принциплар мамлакатларимиз ўртасида тинч тотув бўлиб яшаш ва ҳамкорликни та'минлаш блан бирга, тинчликни ва халқлар ҳавфсизлигини мустаҳкамлашдан иборат умумий ишга ҳам хизмат қилади.

Совет Иттифоқи халқаро проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли блан тамомила бартараф қилиш ва ҳал этиш учун халқаро кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни мустаҳкамлаш йўлида оғишмай курашиб келмоқда. Биз шунга аминмизки, умумий ўзаро ишонч ўрнатилганидан кейин, халқаро муносабатлардаги кескинлик чинакамига камаяди. Умумий ўзаро ишонч ўрнатиш — ҳарбий блоклар вужудга келтириш сиёсатидан воз кечишдан, зўр бериб қуролланишни тўхтатишдан, қуролли кучларни ва қурол-яроғларни аста-секин қисқартиришдан, атом ва водород қуроллари қўлланишини ва ишлаб чиқаришни тўла равишда тақиқлашдан иборат бўлади.

Ана шу кўпгина проблемалар юзасидан Ҳиндистон ҳам биз блан бирхил фикрда эканлигидан ғоят мамнунмиз.

Сизларга, сизнинг халқингизга ва Кашмирнинг бутун аҳолисига янгидан-янги янада катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Бизнинг шодиёна ва самимий кутиб олганлигингиз халқингизнинг Совет Иттифоқига нисбатан дўстона туйғуларини исбот этади.

Яшасин Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги! **(Қарсаклар).**

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик! **(Қарсаклар).**

* * *

Садри-Раёсат берган зиёфатдан кейин штат бош министри Г. М. Бахши Сринагар ҳукумат саройи боғида меҳмонлар шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Бош Министр Нерунинг қизи Индира Ганди, шунингдек Садри-Раёсат Ювараж Каран Сингх ҳозир бўлдилар. Бош министр Кашмир пойтахтининг неча юзлаб граждандари ҳозир бўлган қабул маросимида Булганин ва Хрушчев ўртоқларга табрик сўзи блан мурожаат қилди.

Кашмир бош министри Г. М. Бахши сўзи

Жаноб олийлари, Сизларни самимий мамнуният туйғулари блан Жамму ва Кашмир халқи томонидан табриклайман. Буерга келиш Сизлар учун ма'лум даражада ноқулай бўлур эди, деб ўйлаган эдик. Лекин шунга қарамай, бу ерларга келишга розилик берганлигингиз учун Сизларга ташаккур изҳор қиламиз. Бу ерларга келишга берган розилигингизни бизлар самимий муносабатнинг ифодаси деб қабул қилдик ва Сизнинг сафарингиз тўғрисидаги хотира Кашмир халқининг қалбида азиз ва ёқимли эсдалик бўлиб сақланиб қолади, деб Сизларни иноитиришга ижозат бергайсиз.

Кашмир асрлар мобайнида бутун дун'ёдан ана шу гўзал водига келган кишиларни доим меҳмондўстлик блан кутиб олди. Биз, бир вақтлар Помир орқали Ўрта Осиёнинг кўп ерлари блан жонли алоқа боғлаган эдик. Ўша даврларда савдо алоқаси, маданий алоқа бор эди. Бу алоқа бизнинг ҳаётимизга ва бизнинг маданиятимизга ўз та'сирини кўрсатган эди. Бугун Сизларни табриклаган ҳолда Сизларнинг мамлакатингизда яшовчи халқлар блан асрлар бўйи маданий ва савдо-сотиқ алоқаларида бўлиб келганлигимизни та'кидлаб ўтиш учун шу фурсатдан фойдаланамиз.

Биз, шу блан бахтиёрмизки, бизга қўшни бўлган улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан шу қадар отоқли меҳмонлар бизнинг юртимизга келганликлари тарихда биринчи марта кўринган ҳодиса бўлса керак. Бу воқеа ҳозирги замондаги муҳим воқеа бўлиб, дўстлик муносабатлари ва яхши ниятли муносабатлар кенгайиб бораётганлигидан дарак беради. Халқ дун'ёнинг ҳамма қит'аларидан блан ва барча халқлар блан шундай муносабатлар ўрнатишга интилмоқда...

Ҳиндистон тинчлик ва прогресс идеалига амал қилиб, дун'ёдаги барча халқларга дўстлик ва иттифоқчилик қўлини чўзди. Бизнинг раҳбаримиз ва Бош Министримиз Жавоҳарлал Неру халқаро кескинликни юмшатишга астойдил интилиб, ўзининг бутун кучларини ва мамлакатнинг ҳамма ресурсларини халқаро аҳволга та'сир кўрсатишга, я'ни уруш ва жабр-зулмни орқага суриш ҳамда ҳавфсизлик, тинчлик ва ҳамкорликни яқинлаштириш ма'носида халқаро аҳволга та'сир кўрсатишга бағишлади. Биз, мамнуният блан шуни қайд қиламизки, дун'ёдаги тинчликсевар халқларнинг ҳаммаси, танасининг ранги ва диний э'тиқодлари қандай бўлишидан қат'ий назар, ана шу тарихий вазифани амалга ошириш йўлида бирлашгандир.

Тинчликни сақлаш Кашмир халқи учун айниқса муҳимдир, чунки Кашмир халқи ҳарбий конфликтлар орқасида келиб чиққан машаққат ва азоб-уқубатларни ўз бошидан кечирган. Уруш ҳаммаерда тамом бўлган бир пайтда, бизнинг халқимиз курашга жалб этилди. Бу кураш авлодимизнинг хотирасида аччиқ из қолдирди. Шунинг учун халқимизнинг тинчлик ва эркинликка зўр бериб интилаётганлигининг сабаблари тамомила аёндир ва биз эркинлик, тинчлик ва прогрессининг ҳамма тарафдорлари илгари сураётган яхши ниятни табриклаймиз.

Сиз Жаноб Олийларининг мамлакатимизга қилган визитингиз улуғ Совет Иттифоқининг Ҳиндистонга нисбатан яхши ният ва ҳамжиҳатлиги авж олиб бораётганлигидан далолат беради. Сизнинг Ҳиндистонга қилган сафарингиз вақтида ҳаммаерда халқимиз Сизларни шодлик ва самимият блан кутиб олди. Бу эса, ҳиндларнинг мамлакатингизга нисбатан бўлган туйғуларини кўрсатади. Биз, буюк социал ва иқтисодий ўзгаришлар арафасида турибмиз ва прогресс ҳамда эркинликдан астойдил манфаатдор бўлган ва бизга яхши ният блан қараётган барча кишиларнинг ҳамкорлиги ва кўмаги ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Тинч тотув бўлиб яшашнинг буюк беш принципи асосида СССР блан Ҳиндистон ўртасида боғланган мустаҳкам алоқалар халқимизда шу нарсага ишонч туғдирмоқдаки, уруш хавфи бартараф қилинади ва конфликт чиқиш эҳтимоли бўлган зоналар ўрнини битимга келиш ва дўстлик зоналари секин-аста эгаллайди.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик бутун дун'ёда янада тинч ва бахтли муносабатлар ўрнатишга йўл очиб берсин! **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Н. С. Хрушчев жавоб нутқи сўзлади. Шуерда ҳозир бўлган кишилар уни гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар.



СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиуми а'зоси Н. С. Хрушчев Бирма Иттифоқи пойтахти — Рангун шаҳрида бўлдилар. **Суратда: Н. А. Булганин** ва **Н. С. Хрушчев** Бош Министр **У Ну** ҳузуридаги меҳмондорчиликда.

В. Егоров фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Н. С. Хрушчев сўзи

Азиз дўстлар!

Аввало Жамму ва Кашмир штатининг Садри-Раёсати Ювараж Каран Сингх жанобларига, Жамму ва Кашмир штатининг бош министри Бахши Ғулом Муҳаммад жанобларига, бу ерда ҳозир бўлган сизларнинг ҳаммангизга ва штатингизнинг бутун халқига бизни сидқидил блан кутиб олганликларингиз учун ўзимизнинг катта миннатдорчилигимизни изҳор қилишга ижозат беринглиз. **(Давомли қарсаклар).**

Кашмир халқи бизни айниқса қизғин кутиб олганини асло унутмаймиз. Кеча биз икки қирғоғи бизни табриклаётган одамлар блан лиқ тўлган дар'ё бўйлаб қайиқларда ўтиб бораётганимизда, Сринагарнинг говжум кўчаларидан ўтаётганимизда Ҳиндистонда биз бориб кўрган бошқа шаҳарлар ва штатларнинг ҳаммасида бўлганидек, Кашмир аҳолисининг ҳам ўз ўғли ва биродари — Совет Иттифоқи халқига жуда самимий дўстлик ва меҳр-муҳаббат изҳор қилаётганини кўриб ғоят шод-хуррам бўлдик. **(Қарсаклар).**

Сизларнинг штатингиз Совет Иттифоқининг Ўрта Осиё республикаларига — Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонга ҳаммадан кўра яқинроқ ерга жойлашган. **(Қарсаклар).** Шунинг учун ҳам биз штатингиз бошлиғи қимматли Ювараж Каран Сингхнинг Кашмирни келиб кўриш тўғрисида қилган таклифини катта мамнуният блан қабул қилдик. Сизларнинг штатингизни келиб кўриш бизга завқ-шавқ бағишлайди, чунки бу ер Бош Министрингиз, ҳурматимизга сазовор бўлган Неру жанобларининг ватанидир. **(Давомли қарсаклар).**

Сизлардаги иқлим ҳам Ўрта Осиё республикаларимизнинг иқлимига ўхшайди, сизларнинг штатингизда ўсаётган қишлоқ хўжалик экинлари ҳам Ўрта Осиё республикаларидаги экинлар блан кўп жиҳатдан бирхилдаги экинлардир. Биз бу ерга келганимизда жонажон мамлакатимизнинг, унинг Жанубий Ўрта Осиё қисмининг ҳавоси димоғимизга урилгандек бўлди. Кашмир аҳолиси ва штатингиз пойтахти Сринагар шаҳрининг аҳолиси ўз составн жиҳатидан бирхил эмас. Бу ерда кашмирий, догра, ладкхи деган халқлар яшайди. Кашмир аҳолиси орасида ҳиндулар ҳам, мусулмонлар ҳам, сикхлар ҳам, бошқа миллатлар ва динларга мансуб бўлган кишилар ҳам бор. Аммо биз Сринагар кўчаларидан ўтиб бораётганимизда бизни ҳамма динлардаги кишилар ва ҳамма миллатларга мансуб бўлган кишилар баб-баравар табриклаётганликларини ҳис қилдик. Бу нарса табрик шиорларида ҳам, Сринагар аҳолисининг бизга мурожаат қилиб айтган яхши сўзларида ҳам ифодаланди.

Буларнинг ҳаммасида Ҳиндистон республикасининг Бош Министри Жавоҳарлал Нерунинг ҳам номи тилга олинмоқда у, Ҳиндистоннинг бошқа штатларида бўлганидек, бу ерда ҳам жуда катта шуҳрат ва обрўйга эгадир. **(Давомли қарсаклар).**

Мана шуларнинг ҳаммаси Жамму ва Кашмир штатидаги турли миллат ва турли динларга мансуб бўлган халқлар иноқ бўлиб яшаётганлигини ва ўз жонажон давлати—Ҳиндистон республикасининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилиб, унга катта манфаат етказиш ниятида эканликларини кўрсатади. **(Қарсаклар).**

Халқларнинг дўст бўлиб ҳамкорлик қилиши биз учун айниқса яқин ва тушунарлидир. Мамлакатимиз ўзининг миллий состави жиҳатидан кўпмиллатли мамлакатдир. Совет Иттифоқида кўпгина динларга мансуб бўлган кишилар яшамоқда. Лекин бу нарса бизда бирор англашилмовчилик туғдираётгани йўқ, совет кишилари ягона аҳил оила бўлиб яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. **(Қарсаклар).**

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Н. А. БУЛГАНИН ВА Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ КАШМИРДА БЎЛИШИ

Н. С. Хрушчев сўзининг охири

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Қайси динга э'тиқод қилиш масаласи ҳарбир кишининг, ҳарбир халқнинг ўз виждонига тааллуқли масаладир. Делегациямиз составида Ўзбекистон ва Тожикистон вакиллари бўлган Жаббор Расулов, Зуҳра Раҳимбобоева, Шароф Рашидов бор, Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари мусулмон динидаги халқлардир. Лекин бизда мусулмонлар бошқа диндаги кишилардан нима блан фарқ қиладилар? Бизда бундай фарқлар йўқ, чунки мамлакатимизнинг барча халқлари улуғ Совет Иттифоқининг муносиб а'золаридирлар ва мамлакатимиз халқларининг ягона оиласини ташкил қилмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Бизнинг Совет Иттифоқимизда миллий масала ҳам, шунингдек дин эркинлиги масаласи ҳам яхши ҳал қилинган. Мамлакатимизнинг ҳарбир граждани диний маросимларни ўзи хоҳлаганича адо этиши мумкин.

Мен бу гапларни бу масалада бизнинг позициямизни сизлар янада равшанроқ тушуниб олишларингиз учун гапираяпман. Ба'зи давлатлар диний адоватларни авж олдириб, ёки халқларни диний э'тиқод принциплари асосида бир-биридан ажратиб, Ҳиндистон халқлари ўртасига ҳали ҳам нифоқ солишга уринмоқдаларку. Бундай давлатларнинг расмий намояндалари сун'ий равишда жанжаллар туғдиришга уринмоқдалар.

Лекин мана шуларнинг ҳаммасидан Ҳиндистонга ва унинг халқларига манфаат борми? Бизнинг фикримизча, бундан умуман Ҳиндистоннинг ҳам, Ҳиндистон халқларининг ҳам манфаатларига зарар етмоқда.

Халқлар меҳнат қилиш, ўз маданиятларини ошириш, моддий жиҳатдан ёлчиб яшаш имкониятларига эга бўлишни истамоқдалар. Улар империалистик давлатларнинг хоҳишидан мустақил бўлган ўзларининг эркин давлатларига эга бўлишни истамоқдалар.

Лекин мана шуларнинг ҳаммаси ҳарбир халқнинг қайси динда бўлишига боғлиқми? Менинг фикримча, бунга боғлиқ эмас. **(Қарсаклар).**

Сиёсий эркинликларга эга бўлмоқ учун, ҳарбир халқ ўз илмини муттасил ошириш имкониятига эга бўлмоғи учун, моддий жиҳатдан ёлчиб яшамоқ учун битта динга асосланган қандайдир давлат барпо қилишнинг ҳожати йўқ. Бунинг учун халқнинг эркин бўлиши, одам одамни эксплуатация қилишига ўрин бўлмаслиги лозим. **(Қарсаклар).**

Биз ўз қарашларимизни ва ўз давлатимизнинг бошқариш формаларини ҳечқачон ҳечкимга зўрлаб қабул қилдирганимиз йўқ ва қабул қилдирмаймиз. Ҳарқайси мамлакатнинг халқи давлатни бошқаришнинг қандай формасини танлаб олиш масалаларини, қайси идеологияга амал қилиш масалаларини ўзи ҳал қилиши мумкин ва лозим. Лекин биз фақат шу фактни қайд қилаётирмизки, халқимиз танлаб олган йўл уни ўзининг барча ижодий кучларини яшнатиб, авж олдиришига, халқ хўжалигини, маданиятни ривожлантиришда янада олға бориши учун жуда катта имкониятлар вужудга келтиришига, кенг халқ оммасининг фаровонлигини оширишга олиб келди.

Хўш, Кашмир масаласи деб аталган масала нима учун туғилди? Бу масала халқ орасида туғилгани йўқ. Мустамлака асоратидан озод бўлаётган, четэл золимларига асрий қарамликни ўз устидан улоқтириб ташлаётган **(қарсаклар)** мамлакатларнинг халқлари ўртасида душманчилик кайфиятларини авж олдиришга муайян давлатлар манфаатдордирлар.

Монополиячилар бунда фақат ўз манфаатларинигина кўзламоқдалар. Улар мамлакатларни ўзларига иқтисодий жиҳатдан янада кўпроқ бўйсундирмоқ учун, мамлакатларни ўз хоҳишларига қарам қилиб олмоқ учун мамлакат халқларининг бир қисмини иккинчи қисмига қарши гижгижламоқдалар.

Кашмир масаласини муттасил кескинлаштириб келаётган давлатлар қайси давлатлар эканлигини кўрсатиб ўтиришимнинг ҳожати бўлмаса керак, чунки бу нарса кенг кўпчиликка ма'лумдир. Зотан, шу давлатларнинг ўзлари ҳам бу масалани янада кескинлаштиришга ўзларининг манфаатдор эканликларини унчалик ниқоблаётганлари йўқ.

Кашмир масаласи ўз вақтида Хавфсизлик Кенгаши мажлисида муҳокама қилинган эди ва Совет Иттифоқининг вакили бу масала устида бизнинг, Совет Иттифоқининг нуқтаи назарини очиқ-ойдин баён қилиб берган эди.

Бу масалада бизнинг позициямиз ниҳоят даражада аниқ ва равшандир. Совет Иттифоқи ҳамиша, Кашмирнинг давлат статути масаласини ҳал қилиш Кашмир халқининг ўзи бажариши лозим бўлган иш деб ҳисоблаб келди, шундай қилиш демократизм принципларига ва шу ўлка халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади. **(Давомли қарсаклар).** Кашмир масаласида беғараз, об'ектив позицияда тураётган Совет Иттифоқи Кашмир халқининг миллий интилишларини яхши тушунаётган Ҳиндистон Республикасининг прогрессив ва тинчликсевар кучлари блан дўстона муносабатлар боғлаб олган Кашмир халқига ва унинг тинчликсевар демократик кучларига ўзининг самимий хайрихоҳлигини ҳамиша изҳор қилиб келди.

Кашмир аҳолиси Кашмирнинг империалистик кучлар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолишини истамаётганлигини фактлар кўрсатиб турибди. **(Гулдурос қарсаклар).** Аммо ба'зи давлатлар Кашмир масаласида Покистоннинг позициясини қўллаб-қувватлаш баҳонаси блан Кашмирни мана шундай ўйинчоқ қилишга интилмоқдалар.

Агар ўринли деб топилса, мен Ҳиндистоннинг икки давлатга бўлинганлиги тўғрисида умуман ўз фикримни айтишни истар эдим. Империалистик кучлар Ҳиндистонни икки қисмга—Ҳиндистон блан Покистонга бўлиб юборганликлари Ҳиндистон дўстлари бўлган бизларни хафа қилди. Ахир, ҳинд халқи ўз мамлакатининг мустақиллигини қўлга киритмасдан олдин Ҳиндистон яхлит мамлакат бўлиб яшамоқда эдику. Ҳиндистоннинг икки қисмга бўлиниши Ҳиндистон халқларининг манфаатларини кўзлаб қилинган иш бўлмади. Гарчи бирор давлатни барпо қилишда диний масалалар ҳечқачон асосий масала қилиб олинмаган бўлсада, Ҳиндистон халқларининг диний жиҳатдан бирбирларидан фарқ қилганликлари атрофидаги жанжаллар Ҳиндистонни икки қисмга бўлиб юбориш учунгина авж олдириб юборилди.

Лоақал бизнинг мамлакатимизни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Совет Иттифоқида 15 миллиондан кўпроқ мусулмон бор, бошқа динлардаги кишилар ҳам бор. Аммо диний тафовутларга қарамай, мамлакатимиз халқлари қардошларча дўст бўлиб яшамоқдалар, Улар ўзлари учун ягона давлат—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини—социализм мамлакатини барпо қилдилар ва уни муттасил мустаҳкамламоқдалар. **(Қарсаклар).**

Бинобарин, Покистонни барпо қилишда ва уни яхлит Ҳиндистон давлатидан ажратиб олишда аҳолининг диний э'тиқодларидаги тафовут асосий сабаб бўлгани йўқ. Ўз сиёсатларида аллақачондан бери ма'лум бўлган «аввал орани бўл, сўнгра ҳоким бўл!» деган принципини ўтказиб келаётган учинчи давлатлар бу ишда актив қатнашдилар. Улар турли динлар мавжудлигидан ўз мақсадларида фойдаландилар.

Биз шу нарсага астойдил аминмизки, жанжаллар босилиб, халқлар Ҳиндистон территориясининг мана шундай сун'ий равишда бўлиниб юборилганлигининг бутун ма'носини англаб олганларидан кейин ўзлари бунга пушаймон бўладилар.

Лекин икки мустақил давлат—Ҳиндистон блан Покистонни барпо қилиш масаласи ҳал бўлган масаладир, шунинг учун ҳам мен бу хусусда ўзимнинг ошкора мулоҳазаларимни айтганимда бу мулоҳазаларни бу масала бирор жойда қайтадан кўриб чиқилсин, деган мақсадни асло кўзлаганим йўқ. Мен буни факт тариқасида қайд қилмоқдаман. Модомики, бу иккала давлат яшаб ва ривожланиб бораётган экан, Ҳозирги вақтда ба'зи давлатлар истаганидек бу иккала давлатнинг чегараларини ўзгартиришнинг ҳожати бўлмаса керак. **(Қарсаклар)** Ма'лумки, чегараларни ўзгартириш ишини ҳамма вақт жанжалсиз ва қон тўкмасдан ўтказиб бўлмайди.

Кашмир Ҳиндистон Республикасининг штатларидан бири эканлиги масаласини Кашмир халқининг ўзи ҳал қилди. Бу иш халқнинг ўз ишидир. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).** Ҳар иккала томон бу ўлкада тинчликни сақлашга бўлган катта иродаларини кўрсатишлари лозим деб ўйлайман, чунки Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам фақат тинч тотув бўлиб яшаш шароитида ривожланишлари мумкин. **(Қарсаклар).**

Биз Ҳиндистон Республикаси блан жуда яхши дўстона муносабатларни вужудга келтирдик. **(Қарсаклар).** Бунинг сабаби шуки, биз ўзимизнинг ўзаро муносабатларимизни тинч тотув бўлиб яшашнинг ма'лум беш принципи асосига қурмоқдамиз. Халқаро сиёсат масалаларига қарашда бизнинг нуқтаи назарларимизда жуда кўп умумийлик бор. Биз ҳарбий блоклар ва ҳархил ҳарбий гуруҳлар тузилишига қарши эканлигимизни айтиб, умумий позицияларда турибмиз. Мамлакатларимизнинг ҳукуматлари халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам берадиган ва урушларнинг чиқишига тўсқинлик қиладиган сиёсат ўтказмоқдалар.

Мустақил ва суверен Ҳиндистон Республикаси ўсиб бораётган ёш давлатдир. Бизни бир-биримизга яқинлаштираётган нарса шуки, Ҳиндистон республикаси бутун дун'ёда тинчлик учун актив курашмоқда.

Биз Ҳиндистон Республикасининг ички ишларига аралашмаётганимиз сингари, Ҳиндистон ҳам бизнинг ички ишларимизга аралашмаётир. **(Қарсаклар).** Ҳарқайси давлатнинг ички иши — ҳарқайси давлат халқининг ўз ишидир.

Биз Ҳиндистон Республикасини тинчлик учун, ҳал этилмаган масалаларни тинчлик блан ҳал қилиш учун курашда ўз иттифоқчимиз деб биламиз, афсуски, Покистон тўғрисида бундай деб бўлмайди.

Покистон ҳам ёш давлат. Лекин бу давлатдаги ҳукмрон доираларнинг сиёсати бизни ҳавотирликка солмоқда. Фактлар шуни кўрсатиб турибдики, уларнинг сиёсати ўз халқининг, ўз давлатининг ҳаётий манфаатларига асосланмасдан, балки бошқа мамлакатларнинг монополистик доиралари буюраётган йўлга асосланмоқда. Покистоннинг ҳозирги ҳукумати Америка монополистик доираларига ўзининг жуда яқинлигини ошкора э'лон қилмоқда. **(Ҳозир бўлганлар орасида жонланиш).** У, машъум Бағдод пактининг биринчи қатнашчиларидан бири, ташаббусчиларидан бири бўлди, ваҳоланки Бағдод пакти асло тинчлик манфаатларини кўзлайдиган пакт эмас. **(Ҳозир бўлганлар орасида жонланиш).** Покистон ҳукумати ўз территориясида Америка ҳарбий базаларини қуришга рухсат бермоқда, Совет Иттифоқи чегараларига бевосита яқин жойларда шу ҳарбий базаларни қуришга рухсат бермоқда.

Биз ошкора айтамизки, Покистон территориясида Америка ҳарбий базаларининг барпо қилиниши бизни ҳавотир қилмаслиги мумкин эмас. Ҳозирги вақтда Бағдод пактига қўшилган давлатларнинг сонини кўпайтириш йўлида Покистоннинг актив иштироки блан яна зўр бериб ҳаракат қилинмоқда. Эрон ҳукумати шу пактга қўшилиб, ўзининг жиловини империалистик кучлар қўлига бериб қўйганлиги афсусланишга арзийдиган фактдир.

Биз шу нарсани ошкора айтамизки, Совет Иттифоқига қарши қаратилган ҳарқандай гуруҳни қўллаб-қувватламаганимиздек, Бағдод пакти қатнашчиларини ҳам ҳечқачон қўллаб-қувватлаганимиз йўқ ва қўллаб-қувватламаймиз.

Биз уларни қўллаб-қувватлайдиган бўлсак, сиёсий кўр кишилар бўлур эдик. Бағдод пакти Совет Иттифоқига ва бошқа тинчликсевар мамлакатларга қарши қаратилганлиги ҳаммага очиқ-ойдин кўриниб турган бир нарсадир. Шу сабабли, эҳтимол тутилган авантюраларнинг ўчоқларидан бири бўлган бу ҳарбий иттифоқни заифлантириш бизнинг вазифамиздир. Бизнинг астойдил истагимиз шуки, тинчликсевар ва мустақил Ҳиндистон Республикаси ўссин ва мустаҳкамлансин **(Гулдурос қарсаклар).**

Покистон ҳукуматининг қуйидаги нодўстлик ҳаракати бизга ма'лум бўлиб қолди. Покистон ташқи ишлар министрлиги совет элчисини ўз ҳузурига чақирибди ва унга тавсия қилиб айтибдики, мен ва дўстим Николай Александрович Булганин Кашмирга келишдан воз кечишимиз, штатингиз бошлиғининг Сринагарни ва штатингиздаги бошқа районларни келиб кўриш тўғрисидаги таклифини рад қилишимиз керак эмиш. **(Ҳамма кулиб юборади).**

Бунга ўзгаларнинг ишига аралашишни кўрсатувчи мисли кўрилмаган воқиа деб қарамаслик мумкин эмас. Қаёққа ва нима учун боришимиз лозимлигини ва ўзимизга қандай дўстларни танлаб олишимиз кераклигини учинчи давлатнинг бизга кўрсатишидек бундай беандишалик шу вақтгача бўлмаган эди. **(Ҳозир бўлганлар орасида жонланиш, қарсаклар).**

Покистон гарчи ўзи ва ўз халқи учун фойдали бўлмаса ҳам, Бағдод пактида энг актив қатнашаётганларнинг биридир. Бағдод пакти бизга сра ёқмайди. Лекин бизда сабр бор ва Бағдод пакти совун кўпигидек ёрилиб кетишига ва ундан фақат ёқимсиз эсдаликкина қолишига аминмиз. **(Ҳозир бўлганлар орасида жонланиш, гулдурос қарсаклар).**

Покистон ташқи ишлар министрлигининг вакили шу мамлакатдаги бизнинг элчимизга бизга қўшни мамлакат бўлган Афғонистонга бизнинг боришимизни Покистон ҳукумати хоҳламаганлигини айтган. **(Ҳозир бўлганлар орасида жонланиш).** Энди бу гап жуда ҳаддан ошиб айтилган гап бўлди, шундай тавсияларни қилаётган кишилар жуда ҳам катта кетибдилар.

Афғонистон бизнинг яхши қўшнимиздир, биз блан Афғонистон аллақачонлардан бери дўстона муносабатда бўлиб келмоқда. **(Қарсаклар).** Биз бу муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ниятидамиз ва Афғонистонга боришимиз бунга ёрдам беради деб умид қиламиз. **(Қарсаклар).**

Биз Покистон блан ҳам шундай дўстона муносабатларда бўлишни жуда истар эдик, аммо бундай муносабатлар ҳанузгача вужудга келмаганлигига биз айбли эмас. Лекин биз тинчлик иши манфаатлари йўлида бу муносабатларни яхшилашга зўр бериб ҳаракат қилаверамиз.

Совет Иттифоқи бутун дун'ёда тинчлик бўлишига, халқлар ўртасида ва давлатлар ўртасида дўстлик бўлишига ҳамиша тарафдор бўлиб келди ва тарафдордир. Бу йўлни оғишмай ўтказишни бизга улуғ Ленин васият қилиб қолдирган. **(Гулдурос қарсаклар).** Биз ҳам бошқа давлатлар ва халқлар блан ўзимизнинг дўстлигимизни мустаҳкамлаб ва кенгайтириб, шу йўлдан чекинмай бораверамиз.

Яшасин Ҳиндистон Республикаси блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин бутун дун'ёда дўстлик! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

* * *

Кечқурун Хрушчев ва Булганин ўртоқлар бош министр Г. М. Бахши блан биргаликда «Бамбур ва Янбарзал» («Қовоқари ва наркис гул») музикали спектаклида бўлдилар. Бу спектакль Кашмир қўшиқ фольклори ва поэзияси мотивларига мувофиқ композитор ва постановкачи Д. Натх Надим томонидан яратилган. Спектаклнинг музикаси махсус ёзилган бўлиб, Булганин ва Хрушчев ўртоқларнинг Кашмирга келишларига бағишлаб саҳнага қўйилди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Деҳлига келдилар

ДЕҲЛИ, 10 декабрь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев ҳамда уларнинг ҳамроҳлари бугун туш пайтида Кашмирдан Деҳлига қайтиб келдилар. Уларни аэродромда Ҳиндистон Республикаси президентининг ҳарбий секретари Ядунатх Сингх, ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. К. Чанда ва Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигининг мас'ул ходимлари, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков, совет элчихонасининг ходимлари ва бошқа расмий шахслар, Ҳиндистон ва четэл матбуотининг вакиллари кутиб олдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев аэродромдан чиқиб президент саройига томон йўл олдилар, уларнинг резиденцияси шу саройдадир.

Кашмирда совет артистларининг концерти

ДЕҲЛИ, 11 декабрь. (ТАСС). Ҳиндистонда меҳмон бўлиб турган бир группа совет артистлари яқинда Кашмир ҳукуматининг таклифи блан Сринагар шаҳрига борди. Совет артистлари 9 декабрьда Сринагарда концерт бердилар. Концерт зўр муваффақият блан ўтди. Штат ҳукумати номидан совет артистларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шу вақт Сринагарда бўлган Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев концертда ҳозир бўлдилар.

Кеча совет артистлари Деҳлидаги миллий физика лабораторияси залида ҳинд-совет маданий жамиятининг Деҳли бўлими уюштирган концертда чиқдилар. Концертда Ҳиндистон пойтахтининг кўзга кўринган жамоат арбоблари, ҳинд-совет маданий жамиятининг а'золари, ба'зи четэл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, ҳинд журналистлари ҳозир бўлдилар. Жамиятнинг Деҳли бўлими правлениесининг а'зоси, Деҳли университети профессори Чиной совет артистларини табриклади. Совет артистларига гулдасталар тақдим этилди.

П А Р Т И Я   Т У Р М У Ш И

Саноат ва қишлоқ хўжалигига раҳбарликни янада кучайтирайлик

□

Янгийўл шаҳар ва район партия ташкилотларининг бирлашган конференциясидан

□

Янгийўл — областимизнинг социалистик саноати тобора ривожланиб бораётган ёш шаҳарларидан бири. Бу ерда тикув-пойафзал комбинати, пахта тозалаш ва ёғ заводи, консерва ва ғишт заводлари каби бирқанча йирик саноат корхоналари бор. Янгийўл райони эса областимизнинг йирик пахтакор райони ҳисобланиб, чорвачиликни ривожлантиришда, унинг маҳсулдорлигини оширишда ҳам донг чиқарган. Яқинда бўлиб ўтган шаҳар ва район партия ташкилотининг бирлашган конференциясида асосий э'тибор КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорининг, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги тарихий қарорларининг қандай амалга оширилаётганини муҳокама қилди.

Шаҳар саноат корхоналари 11 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 101,7 процентга етказиб бажардилар. Шаҳардаги 15 саноат корхоналаридан 11 таси ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бешинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариб, ҳозир 1956 йил ҳисобидан маҳсулот бермоқдалар. Ҳисобот даврида саноат маҳсулотини ўстириш, унинг таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида ҳам бирқатор ишлар қилинди ва шу туфайли айрим муваффақиятларга эришилди. Лекин, бу — шаҳар партия комитети ва корхона партия ташкилотлари саноат корхоналарига раҳбарлик қилишда жиддий нуқсонларга йўл қўймадилар деган гап эмас. Докладчи ва музокарага чиққан делегатлар эришилган муваффақиятларни қайд этиб ўтиш блан бирга партия ташкилотлари, шаҳар партия комитети томонидан саноат корхоналарига раҳбарлик қилишда йўл қўйилиб келинган хато ва камчиликларни танқид қилдилар.

Айрим саноат корхоналарида мавжуд резервлардан унумли ва тўла фойдаланилмаётир, давлат планининг бажарилиши та'минланмаётир. Шаҳар партия комитети, унинг саноат ва транспорт бўлими ўз ишларини КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида тўла қайта қурмади. Шаҳар партия комитети қолоқ корхоналар ишини чуқур анализ қилиш, орқада қолиш сабабларини аниқлаш, камчиликларни дарҳол бартараф этиш ишлари блан камдан-кам шуғулланди. Шу сабабли ёғ заводи, авто-ремонт устахонаси, вино заводи, шаҳар савдо корхоналари 11 ойлик ишлабчиқариш планини бажармадилар.

Резина-техника заводи партия ташкилотининг секретари делегат ўртоқ Руднев шаҳар партия комитети ва унинг секретари ўртоқ Иброҳимовни саноатга раҳбарлик қилишда юзакичиликка йўл қўйганлиги ва ишни ҳозирги кун талаб этганча қайта қурмаганлиги учун танқид қилди. У, шаҳар партия комитети секретарьларининг саноат корхоналарида, бевосита ишчилар ўртасида камдан-кам бўлишлари, уларнинг турмуши блан танишмасликлари, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилмагани ҳақида гапириб, бундай деди:

— Савдо-сотиқ ишлари айниқса ёмон аҳволда. Озиқ-овқат дўконлари барвақт ёпилади, дежур магазинлар йўқ. Кондитер маҳсулотлари блан савдо қилинмайди, нон заводи эса шаҳар меҳнаткашларининг талабини қондираолмаётир. Буларнинг ҳаммасидан шаҳар партия комитети ва ижроия комитети хабардор бўлсаларда, аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилаш учун тегишли чора кўрмаётирлар.

Делегат ўртоқ Зузин шаҳар партия комитети халқ маорифи иши блан қониқарсиз даражада шуғулланиб келгани, политехника та'лимотини ташкил этишда етарли ёрдам бермагани ҳақида мисоллар келтириб гапирди.

Район партия комитетининг фаолияти тўғрисида район партия комитетининг секретари ўртоқ Мусаев қилган ҳисобот доклададан ва делегатларнинг нутқларидан ма'лум бўлдики, район пахтакорлари бу йил қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларни амалга оширишда асосий э'тиборни пахтачиликда энг илғор усулларни дадил ва кенг қўллашга, ҳар гектар пахта майдонидан олинадиган ҳосилни оширишга қаратганлар. Район пахтакорларининг бу йил давлатга пахта топшириш планини 25 ноябрьдаёқ муваффақият блан бажарганликларининг боиси ҳам шундадир.

Ворошилов номли, Свердлов номли, Сталин номли, Ленин номли колхозларнинг правлениелари ва партия ташкилотлари бу йил пахтадан мўл ҳосил олишда барча имкониятлардан фойдаландилар. Янги агротехника қоидалари кенг жорий қилинди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди, Коммунистлар пахта учун курашга бевосита бошчилиқ қилдилар. Ленин номли колхознинг пахтакорлари 2200 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ошириб пахта бердилар. Сталин номли, Ворошилов номли колхозлар эса гектаридан 30 центнердан пахта топширдилар. Колхозлар пахтадан катта даромад олдилар, уларнинг бўлинмас фондлари янада ошмоқда.

Чорвачилик соҳасида ҳам айрим ютуқларга эришилди. Районда ҳарбир сигирдан соғиб олинган сут ўтган йилдагидан икки баравар кўпайди ва 1300 килограммга етди. Йирик шохли моллар сони 365 бош, қўй, эчки ва чўчқалар сони 1664 бош ошди. Республикада энг илғор ҳисобланган Сталин номли колхоз мол боқиш ва сигир соғиш ишларини кенг миқ'ёсда механизациялаштириб, ажойиб натижаларга эришди — колхоз ўрта ҳисоб блан ҳарбир сигирдан 3364 килограммдан сут соғиб олди.

Район қишлоқларида қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Йўллар ремонт қилинди, колхозлар янги иморатлар—хўжалик бинолари, касалхона, ҳаммом, мактаб, болалар муассасалари қурмоқдалар.

Делегатлар қўлга киритилган муваффақиятларни қайд этиб ўтиб, ишдаги камчиликларни ҳартарафлама очиб ташладилар.

Кейинги йилларда ба'зи колхозларда гектаридан олинган ҳосил камайиб кетди. Навоий номли колхоз (раиси Раҳмонов, партия ташкилотининг секретари Қосимов ўртоқлар), Фрунзе номли колхоз (раиси Сафарбоев, партия ташкилотининг секретари Тўлаганов ўртоқлар) агротехника қоидаларига риоя қилмадилар. Шу сабабли улар анча кам ҳосил олдилар. Навоий номли колхоз гектаридан 16,5 центнердан ҳосил етиштириб, пахта топшириш планини бажараолмаган бўлса, Фрунзе номли колхоз пахта ҳосилини ўтган йилдагига қараганда ҳар гектардан 2,3 центнер миқдорида камайтириб юборди. Хрушчев номли, Молотов номли колхозларда ҳам шундай аҳвол рўй берди.

Конференция делегатлари район партия комитети келгуси — 1956 йилда мўл ҳосил етиштириш учун тайёргарлик кўриш ишига қониқарсиз раҳбарлик қилаётганини алоҳида уқдириб ўтдилар. Далаларни ғўзапоядан тозалаш, айниқса шудгорлаш иши суст бормоқда. Умум район пахта майдонининг атиги 30,4 проценти шудгорланган, холос.

Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари делегат ўртоқ Тўйчиев район партия комитети ва МТС раҳбарларининг олмашлаб экишга э'тиборсиз қараётганликларини, хотин-қизларни тарбиялаш, уларни колхоз ишлабчиқаришида раҳбарлик ишларига тайинлашда йўл қўйилаётган камчиликларни ҳақли танқид қилди. Район план бўлими жуда қониқарсиз ишламоқда.

Нотиқлар шаҳар ва район партия комитетларининг идеология ишларига бўш раҳбарлик қилаётганликларини кўрсатдилар, оммавий-агитация ва маданий-оқартув ишларида юз бераётган камчиликлар тўғрисида характерли фактлар келтирдилар. Кейинги кунларда шаҳар партия комитети ҳам, район партия комитети ҳам партия маорифи иши блан қизиқмай қўйганлар. Кадрларнинг саноат корхоналари ва колхоз экономикасини ўрганиши юзасидан бирорта ҳам тўгарак ташкил этилмаган. Жойларда олиб борилаётган пропаганда ва агитация ишларида юзакичиликка йўл қўйилмоқда, у маҳаллий ҳаётдан олинган конкрет мисоллар асосида олиб борилмаётир.

Конференцияда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ О. Алимов сўзлади.

Конференция КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини изчиллик блан амалга оширишни ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини, биринчи галда пахтачиликни янада ривожлантиришни та'минлашга қаратилган қарор қабул қилди.

Конференцияда делегатлар КПСС Марказий Комитетининг Янгийўл шаҳар ва район партия комитетларини бирлаштириш ва шу асосда район партия комитети барпо этиш ҳақидаги қарорини мамнуният блан эшитдилар ва район комитетининг янги составини ва ревизия комиссиясини, шунингдек область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Район партия комитетининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум район партия комитетининг биринчи секретари қилиб ўртоқ С. Мусаевни ва райкомнинг иккинчи секретари қилиб ўртоқ А. Ильинни сайлади. Райкомнинг МТС зоналари бўйича секретари қилиб Авазов ва Зуев ўртоқлар сайландилар.

С. ОРИПОВ.

Барча колхозларда пахтадан мўл ҳосил олиниши та'минлансин

□

Ўртасарой район партия конференциясидан

□

Ўртасарой районининг колхозчилари ва механизаторлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Район колхозлари 8100 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 21,3 центнердан пахта топшириб, планни ошириб бажардилар. Мамлакатга қўшимча равишда 1500 тоннадан кўпроқ пахта берилди. Айрим колхоз, бригада ва звеноларда ҳосил яна ҳам мўл бўлди. Район колхозчилари ва механизаторлари бунга агротехниканинг илғор прогрессив усулларини кенг қўлланиш. барча майдонларда чигитни торқаторлаб экиш ва ғўза парваришини юқори агротехника кўрсаткичлари асосида ўтказиш туфайли эришдилар. Шунингдек, район колхозлари чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам айрим муваффақиятларга эришдилар.

Докладчи — район партия комитетининг секретари ўртоқ Юнусов ва музокарада чиқиб сўзлаган делегатлар эришилган ютуқларни қайд қилдилар. Шу блан бирга улар пахтачилик, чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида йўл қўйилган хато ва камчиликларни очиб ташладилар.

Район партия комитети, колхоз ва МТСларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари ҳарбир гектар ердан олинадиган ҳосилни ошириш учун етарли кураш олиб бормадилар. Икки колхоз, 15 бригада ва 46 звенода ҳар гектар ердан олинган ҳосил 15 центнерга, 4 бригада ва 11 звенода эса 10 центнерга ҳам етмади.

Район партия ташкилоти ва МТСларнинг раҳбарлари барча колхозларда ҳам пахта ҳосилининг бирхилда оширилиши учун курашни етарли ташкил этмадилар. Жумладан Жданов номли, «XIX партс'езд» колхозларида бу йил бир гектар ердан олинган ҳосил 1954 йилдагига нисбатан ўрта ҳисобда 7,5—8 центнердан оширилгани ҳолда, Свердлов номли ва Ленин номли ва бошқа колхозларда ҳосил 2 — 3 центнердан камайиб кетди.

Делегатлар район МТСлари фаолиятида юз берган камчиликларга ҳам катта э'тибор бердилар. МТС паркининг қувватидан тўла фойдаланиш ва машиналарнинг иш унумини ошириш та'минланмади. Район колхозларида ишлаган 116 пахта териш машинасининг ҳарбири блан мавсумда ўрта ҳисобда 6,9 тонна пахта терилди, холос.

Районда пахта тайёрлаш плани бажарилгач ,хотиржамлик кайфиятига берилиш сезилмоқда. Далада қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ва келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш учун ҳаракат қилинмаётир. Ҳозир пахта ерлари ғўзапоядан тўлиқ тозаланиши ва минерал ҳамда маҳаллий ўғит солиниб, сифатли шудгор қилиб қўйилиши лозим. Аммо бу соҳадаги иш талабга жавоб бермайди. Шу кунгача фақат 5 минг гектар пахта ери шудгор қилинган. Атиги 800 гектарга яқин ерга ҳайдаш олдидан ўғит солинган. Охунбобоев номли, Орджоникидзе номли, Булганин номли, «Коммунизм» колхозларида ерлар ўғит солинмай ҳайдалмоқда.

Айрим колхозларда пахтадан кам ҳосил олинаётганига яна шу сабаб бўлмоқдаки, колхозларнинг партия ташкилотлари пахта ҳосилини ошириш учун курашга етарли бошчилик қилмаётирлар, уларнинг колхоз ишлабчиқаришидаги роли оширилмаётир. Айрим колхоз партия ташкилотининг секретарьлари партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш, хўжаликка партия раҳбарлигини та'минлаш ҳамда колхоз правлениесининг хўжалик фаолияти устидан контроль олиб бориш ўрнига, фаолиятсизлик кўрсатмоқдалар.

«Полярная звезда» колхозининг полеводи ўртоқ Тошпеновнинг кўрсатишича, айрим колхоз, бригада ва звеноларда пахтадан кам ҳосил олинаётганлигига колхоз кадрларининг тўғри танланмаганлиги, пахтачиликка етарли тажрибаси бўлмаган кишилар раҳбарлик қилаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Конференцияда МТСларни малакали механизатор кадрлар блан мустаҳкамлаш лозимлигига ҳам алоҳида э'тибор берилди. «Северний маяк» колхози партия ташкилотининг секретари ўртоқ П. А. Цой бундай деди:

— Пахтачилик йил сайин тобора кўпроқ машиналаштирилмоқда. МТСлар янгидан-янги механизмлар олмоқдалар. Лекин ана шу янги техникадан етарли фойдаланилмаётир, чунки, малакали механизатор кадрлар етишмайди. Партия ташкилотлари эса бу ҳақда жиддий ўйламаётирлар.

Конференцияда районда чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун кураш бўш эканлиги кўрсатилди. Делегатлардан Хўжаев, Пискорский, Мошечков ва бошқа ўртоқлар район партия комитети ва колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари ҳали ҳам ўз ишларини КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари асосида қайта қуриб олмаганликлари ҳақида гапирдилар. Районда йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар сони пландагига нисбатан анча кам. Бу йил 970 сигирдан фақат 763 бузоқ олинди. Ҳарбир сигирдан соғиб олинган сут 722 литрдан ошмади.

— Чорва сонининг ўсмаётгани ва сигирлардан кам сут соғиб олинаётганига,— деди ўртоқ Хўжаев, — колхозларда молларни боқишга етарли аҳамият берилмаётгани, беда ва маккажўхори каби муҳим экинлардан кам ҳосил олинаётгани сабаб бўлмоқда. Илғор чорвадорларнинг тажрибаси оммалаштирилмаётир. МТС раҳбарлари чорвачилик фермаларини механизациялашга э'тибор бермаётирлар.

Делегатлар район партия комитетларининг секретарьлари ва ходимлари омма блан яқиндан алоқа қилмаганликларини, колхозлардаги аҳвол блан чуқур танишмаётганликларини, қишлоқ хўжалигига ҳамон биртомонлама ва юзаки раҳбарлик қилаётганликларини кўрсатдилар. Шунингдек, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлардаги камчиликлар ҳам кўрсатилди.

Конференцияда район хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари белгиланган резолюция қабул қилинди. Район партия комитетининг янги состави ва ревизия комиссияси ҳамда область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Райкомнинг пленуми бўлиб ўтди. Пленум район партия комитетининг биринчи секретари қилиб И. Юнусов, иккинчи секретари қилиб Т. А. Эм ва МТС зоналари бўйича секретарьлари қилиб С. Мадалиев ва С. Са'дуллаев ўртоқларни сайлади.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Бутун куч даладаги барча ҳосилни сўнгги граммигача нобуд қилмай йиғиб олишга қаратилсин!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Квадрат-уялаб экишнинг афзаллиги

Ўртасарой район партия, совет ташкилотлари қолоқ колхозларни илғорлар даражасига етказиб олиш мақсадида бирмунча тадбирларни амалга оширдилар. Жумладан, бу тадбирлар натижасида илгари қолоқ бўлиб келган Охунбобоев номли колхоз бу йил ўз хўжалигини анча тиклаб олди.

Колхозда пахта майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Трактор бригадаси тажрибали механизаторлар билан мустаҳкамланди. Бригада ва звеноларнинг раҳбарлигига коммунист, комсомол ҳамда пахтачиликда тажрибага эга бўлган ишчан кишилар кўтарилди.

Колхоз аъзолари илғор агротехника ютуқларини дадиллик билан қўлланиб, 400 гектар пахта майдонига чигитни янги, протрессив усулда экдилар. 310 гектар майдонга ғўзалар 45Х45, 60Х45 схемаси билан жойлаштирилди. Ғўза қатор оралари ҳам узунасига, ҳам кўндаланггига ишланиб, мўл ҳосил етиштирилди. Натижада колхознинг меҳнатсевар аъзолари жонажон Ватанимизга гектаридан пландаги 16,5 ўрнига 17,2 центнердан пахта топшириб, социалистик мусобақада олган мажбуриятларини муддатидан олдин ошириб бажардилар. Айрим бригада ва звено аъзолари ғўза парваришини айниқса намунали ўтказиб юқори кўрсаткичларга эришдилар. Жўра Ярашев, Марҳамат Парпиева ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари ҳар гектаридан 27 — 28 центнерга етказиб ҳосил олдилар.

Колхоз аъзолари эришган бу муваффақиятларини келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш билан мустаҳкамламоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Бўкада ҳосил далаларда қолиб кетмоқда

Бўка район пахтакорлари давлат планини бажариб, қўшимча равишда яна 1500 тонна пахта топширишга ваъда берганлар. Аммо план бажарилганига 14 кундан ошди, лекин шу вақт ичида район колхозлари пландан ташқари 240 тонна пахта топширдилар, холос. Буни асосан «XIX партс'езд», Вильямс номли, Ленин номли илғор колхозларгина топширганлар.

Район партия комитети ва район ижроия комитетининг раҳбарлари, колхоз раислари ваъда беришга бердилар-у, аммо унинг устидан чиқмаётирлар. «Планни бажардик, буёғи бир ган бўлар» деган кайфият билан далада қолган пахтани териб давлатга топширишни бирданига бўшаштириб юбордилар. Бу кайфият шунчалик зарарли таъсир қилаётирки, ҳатто ҳалигача пахта топшириш планини бажармаган «Ленинизм», «Ленинобод», Сталин номли, Мичурин номли, Жамбул номли колхозларда ҳам йиғим-терим ўзибўларчиликка тушиб қолган.

Карл Маркс номли колхозда пахта териш ва уни давлатга топшириш айниқса ёмон уюштирилган. Бу колхоз 8 декабргача планни 93,7 процент бажарган, холос. Колхоз раиси Ашуров, партия ташкилотининг секретари Исломов ўртоқлар даладаги ҳосилни тезроқ териб давлатга топширишга ҳаддан ташқари юзакичилик билан қараётирлар. Ўртоқ Ашуров кўп вақт далада бўлмайди, терилган пахталар эса бирнеча кунлаб топширилмай ётади.


Ҳолбуки, бу колхоз далаларида кўсак эмас, ҳали очилиб ётган пахталар ҳам бор. Ёрдамга келган Ленин номли колхознинг аъзоларидан Ҳувайда Орипова, Гулсара Сайфутдинова, Рихси Маҳмудова ва бошқа ўртоқларнинг ҳарбири бир кунда 160 килограммдан кўсак-пахта терайётирлар. Мана шу фактнинг ўзи колхозда ҳали пахта кўп эканлигини яққол кўрсатади. Аммо колхозга ёрдамчилар келганидан кейин колхоз аъзолари ўз шахсий ишлари билан шуғулланиб, пахта теримига кам қатнашадиган бўлиб қолдилар. Колхоз раиси ўртоқ Ашуров эса бу ҳолга заррача ҳам ташвишланмайди. У 9 декабрь куни колхозда бўлмади, 4 колхозчини ёнига олиб, келгуси йилда шоли экиладиган ерни аниқлаш учун кетиб қолган. Биринчи участкалаги 2 сушилка ишламай, трактор кун бўйи бекор турди. Колхоз қоровули «раисимиз буйруқ бергани йўқ» деб кўмир бермай қўйди. Натижада шу куни пахта қуритилмай қолди.

Колхоз планни бажариш учун давлатга яна 90 тонна пахта топшириши керак. Колхоз раиси ўртоқ Ашуров «15 декабргача план бажарилади» деб ҳамон қуруқ гапдан нарига ўтмайди. Ҳолбуки колхоз 10 кун мобайнида 12,8 тонна ёки 1 процент миқдорида пахта топширган, холос.

Пахта-кўракнинг терилмай ётишининг ўзи катта нобудгарчилик. Бунинг устига йўлларда тўкилиб ётган кўсак, пахта ҳаддан ташқари кўп. Ҳатто юлиб олинган ғўзапоялларда оппоқ пахта бор. Аммо нобудгарчиликнинг олдини олиш ҳечкимнинг эсига келмайди.

Тимирязев номли колхоз пахта тайёрлаш планини бажарган, лекин колхоз далаларида ҳали териб олинмаган кўсак-пахта кўп. С. Бердиев бошлиқ ҳамда 3-нчи бригадага қарашли 30 гектар ернинг кўсаги шундай турипти. 1-нчи, 2-нчи бригадаларда 45 тоннага яқин терилган кўсак далада, очиқ ҳавода уюлиб ётипти. Сулаймон Ниёзқулов полеводлик қилаётган 1-нчи участкада меҳнат интизоми жуда бўшашиб кетган. Қўшни Каганович номли колхоздан 200 киши келиб ишлаётгани ҳолда, иш тепасида Тимирязев номли колхоз аъзоларидан фақат 50 кишини учратдик. Бу участкада сушилка ҳам ремонт қилинмаган, пахта эса қуритилмай пунктга жўнатилиб, ҳўл бўлгани учун яна колхозга қайтариб юборилмоқда.

Карл Маркс номли колхоз пахта тайёрлаш планини ҳозиргача бажарганини йўқ. Колхоз раиси ўртоқ А. Ашуров эса «планни қачон бўлса ҳам бажарамиз» деб бепарво юрибди. Колхозда сушилкалар ишга солинмаганлиги учун ҳўл пахталар уюлиб қолган.



БРИГАДА БОШЛИҒИ — раисимиз ўртоқ Ашуров 15 декабрьгача планни бажарамиз, деб ваъда берган, сиз нега сушилкага кўмир бермайсиз.
ҚОРОВУЛ — раис ваъда берса бергандир. Броқ мен унинг буйруғи бўлмаса кўмир бераолмайман.

Н. Калентьев чизган расм.

Маленков номли колхоз бундан 10 кун аввал бир кунда 17 тонна пахта топшириб, планни бажарган эди. Аммо план бажарилганидан кейин давлатга бир грамм ҳам пахта топширилмаган. Колхоз раиси ўртоқ Ҳаитбоев «планни қойил қилиб қўйганмиз» деб мағрурланиб, даладаги пахтага бутунлай қарамай қўйган.

Қайси колхозга борманг, ғўзалар орасида бебош юрган қўй, эчкидар ва молларни кўрасиз. Улар пахтани еб, кўсакни гажиб, ғўзани оёқости қилмоқда. Айниқса Мичурин номли, Жамбул номли, Карл Маркс номли колхозларда кўп пахта моллар томонидан пойҳон қилинаётир.

Шуни айтиш керакки, район партия комитетининг секретари Шайхов, район ижроия комитетининг раиси Маҳкамов ўртоқлар томонидан талабчанлик бўлмагани учун колхоз раислари ўртасида мағрурланиш, бепамлик кайфиятлари кучаймоқда. Шунинг учун планни бажармаган 6 колхоз 10 кун мобайнида атиги 82,7 тонна пахта топширган.

Бўка район колхозларида мавжуд кучлар тўла сафарбар этилса, далада қолган ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, қўшимча пахта топшириш юзасидан қилинган ваъдани бажаришнинг барча имконияти бор. Район партия комитети, район ижроия комитети бўшашувчилик кайфиятига қаттиқ зарба бериб, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, мамлакатга кўпроқ пахта бериш тадбирларини кўришлари лозим.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Илғор бўлим келгуси йил мўл ҳосили учун курашмоқда

Сирдар'ё районидаги «Малик» совхозининг ўртоқ Оқил Қозоқов бошлиқ бўлими ишчилари бу йил пахтачиликда янги, прогрессив усулни кенг қўллаб, пахта тайёрлаш давлат планини 123 процент бажардилар.

Бўлимнинг комсомол аъзоси ўртоқ Одил Аҳмедов бошлиқ бригада аъзолари 89 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта топшириб, пландан ташқари яна 15 процент пахта топширишга эришдилар ва социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар. Бўлимнинг Мансуров, Қаршибоев, Ризаев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари эса мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 32—34 центнердан ҳосил топшириб, йиллик планларини ошириб бажардилар.

Совхознинг бу илғор бўлими пахта тайёрлашда биринчи ўринда эди. Бўлим пахтаси йиғиб-териб олинган участкалардаги ғўзапояни корчевка қилиш, кузги шудгорлашни сифатли ўтказишда ҳам биринчи ўринда бормоқда. Бўлимда дала ишлари конвейер усулида ташкил этилган. Ҳозир бўлимда 6 та трактор ғўзапояни корчевка қилмоқда. Илғор механизаторлардан Латипов, Ҳайдаров ва Аҳмедов ўртоқлар кунига 8 гектар ўрнига 14-16 гектар ердаги ғўзапояни корчевка қилмоқдалар. Трактористлардан Искандаров, Ш. Жўратоев ўртоқлар ғўзапояси тозаланган ерларни пешма-пеш шудгорлаб қўймоқдалар. Совхознинг бу бўлимида олмошлаб экиш ва янги ер очишга ҳам катта эътибор берилаётир.

Бу илғор бўлим ишчилари КПСС XX с'езди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIII с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани кучайтириб, кузги шудгорлашни тугаллаш олдида турибдилар.

Н. САИДОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 12 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўртасарой	—	109,76	Сирдар'ё	0,07	102,65
Ховос	0,15	107,89	Пискент	—	102,48
Гулистон	0,19	107,74	Бўка	0,02	101,23
Оржоникидзе	0,11	107,64	Ўртачирчиқ	0,06	100,24
Оҳангарон	—	105,80	Верхне-волинск	0,01	100,21
Октябрь	0,05	105,74	Бекобод	0,54	99,59
Калинин	—	105,03	Чиноз	0,15	99,32
Мирзачўл	0,07	104,25	Оққўрғон	0,29	96,86
Янгийўл	0,06	104,12	Қуйичирчиқ	0,21	91,31
Юқоричирчиқ	0,02	103,32	Боёвут	0,32	84,18

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 12 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
4-нчи Вревский	—	107,31	2-нчи «Далварзин»	0,47	89,19
16-нчи совхоз	0,71	96,61	1-нчи «Боёвут»	0,38	86,90
«Малик»	—	96,40	Кўкорол	0,14	84,54
1-нчи «Далварзин»	0,35	93,88	3-нчи «Боёвут»	0,48	79,91
17-нчи совхоз	0,36	92,27	3-нчи Вревский	—	75,00
«ЎзССР бешйиллиги»	0,21	91,31	2-нчи «Боёвут»	0,23	74,80
3-нчи «Далварзин»	0,46	89,22	10-нчи совхоз	—	74,00
			4-нчи «Боёвут»	0,04	68,88

Юксалаётган колхозда

Маленков номли колхоз Бекобод районининг йирик колхозларидан бири ҳисобланади. Броқ колхоз бирнеча йилдан бери пахта тайёрлаш давлат планини бажармай келар эди. Бу йил колхоз аъзолари пахта етиштиришда янги, прогрессив усулни дадиллик билан қўлландилар. 715 гектар пахта майдонига чигитни торқаторлаб экдилар. Ғўза парваришини юқори агротехника қоидалари асосида механизация кучи билан иккитомонлама ишладилар. Натижада олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштиридилар. Ана шу етиштирилган мўл ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш билан бирга келгуси йил мўл ҳосилининг гарови бўлган кузги шудгорни қисқа вақт ичида ўтказиш чораларини кўраётирлар.

Н. ШЧЕРБАКОВ.



Давлат планларини ойма-ой ортиғи билан бажариб келаётган Чирчиқ тикучилик фабрикасининг коллективи маҳсулот сифатини ҳам тобора яхшиламоқда. **Суратда: Замира Мирзаахмедова.** У, смена нормасини 170—180 процентдан бажармоқда.

А. Скоков фотоси.

Улуғ рус рассомлари ҳақида циклли лекциялар

Ўзбекистон ССР Давлат сан'ат музейи улуғ рус рассомларининг ҳаёти ва ижодига бағишланган лекциялар циклини уюштирди.

Бу лекцияларни сан'ат музейининг ва Ўзбекистон сан'атшунослик илмий-текшириш институтининг тажрибали илмий ходимлари ўқимоқдалар. Яқинда «Улуғ рус рассомлари Ф. С. Рокотов, Д. Г. Левицкий, В. П. Боровиковский» деган темада Абрамова, «П. Ф. Федотов» деган темада Прица ўртоқлар лекция ўқидилар. Бу лекциялар жуда қизиқарли ўтди.

Музей дирекцияси К. П. Брюллов, И. Е. Репин, В. И. Суриков, В. В. Верешчагин, В. Г. Перов ва бошқа улуғ рус рассомларининг ҳаёти ва ижодига бағишлаб лекциялар ўтказишни планлаштирди. Улуғ рус рассомлари ҳақидаги лекциялар цикли 1956 йилнинг 19 февралигача давом этади.

А. АБДУҚОДИРОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТДИ:

Л. Н. ТОЛСТОЙ. — «Уруш ва тинчлик» (роман, II том). 440 бет, тиражи 45.000, баҳоси 7 сўм 70 тийин.

Б. ГИЕНКО. — «Ўзбек рақслари», 12 бет, тиражи 3.000, баҳоси 1 сўм 80 тийин.

Г. Н. ОСТРОУМОВ. — «Макинажўхори ҳақида суҳбат». 48 бет, тиражи 15.000, баҳоси 65 тийин.

«Бизнинг йўл» (ҳозирги замон поляк ёзувчиларининг ҳикоялари). Ўрта мактаблар учун. 172 бет, тиражи 30.000, баҳоси 3 сўм 50 тийин.

ВИКТОР ГЮГО. — «Гаврош» (кичик ёшдаги болалар учун). 48 бет, тиражи 30.000, баҳоси 85 тийин.

ОДИЛХОН ЮНУСХОНОВ. — «Бизнинг босмахона» 24 бет, тиражи 30.000, баҳоси 30 тийин.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни нашр этди:

С. М. ПЕТРОВ.—Тариҳ фанлари кандидати. — «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихи — ҳаракатдаги марксизм-ленинизмдир». 52 бет, тиражи 40.000, баҳоси 60 тийин.

А. М. ДЬЯКОВ. — «Ҳиндистон республикаси». 56 бет, тиражи 40.000, баҳоси 60 тийин.

А. С. Исаев — инженер. — «Мамлакатимизда дастлабки тракторларни яратувчилари». 42 бет, тиражи 45.000, баҳоси 40 тийин.

А. Н. БАҲАРЕВ.—Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати. — «Мичуринча биология—идеализм билан динга қарши курашда». 20 бет, тиражи 45.000. баҳоси 40 тийин.

Владимир Андреевич МИЛЬЧАКОВ. — «Дорога солдата» (рус тилида). 308 бет, тиражи 45.000, баҳоси 4 сўм 45 тийин.

Ишчи ёшларнинг активлигини янада оширайлик

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг саноатни янада юксалтириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш учун курашда мамлакатимиздаги барча ёшлар билан бир қаторда Тошкент шаҳрининг комсомол ва ёшлари ҳам актив иштирок этмоқдалар. Шаҳар корхоналарида, қурилишларда ва транспортда минглаб ёш ишчилар фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Шаҳардаги кўпчилик корхоналарнинг комсомол ва ёшлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини амалга оширишда комсомол ва ёшларнинг ишлаб-чиқаришдаги активлигини тобора оширмоқда. Комбинатда 80 та комсомол-ёшлар бригадаси ташкил қилинган. 1-нчи йигирув-тўқув фабрикасининг ўртоқ Сутюшева бошлиқ, читга гул босиш фабрикасининг ўртоқ Калинина бошлиқ, 3-нчи фабрикасининг ўртоқ Ключева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилашда намуна кўрсатмоқдалар.

Комсомол тэшкилотлари ёш ишчилар ўртасида рационализаторлик ҳаракатини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдалар. Бу соҳада экскаватор заводининг комсомол ташкилоти (секретари ўртоқ Ю. Умаров) қилаётган ишлар диққатга сазовордир. Заводнинг ёш ишчиси ўртоқ Гулиус токарьлик станогида илгари ишлатилиб келган ва жуда қимматга тушадиган резецларни минерал-керамик пластинкали резецлар билан олмоштиришни таклиф қилди. Завод комсомол комитети бу методни бошқа токарьлар ўртасида кенг пропаганда қилди. Янги метод билан бевосита иш жойида таништирилди, лекция ва суҳбатлар ҳамда техминимум тўгаракларн ташкил қилинди. Ҳозир заводда пландаги 50 ўрнига 120 дан ортиқ операция ана шу усул билан бажарилаётир. Шунингдек комсомол аъзоси ўртоқ Н. Колмиков Сталин мукофоти лауреати Жиров кашф этган парнани янада мукаммаллаштириб, парналашда меҳнат унумдорлигини 2 ярим баровар оширишга муваффақ бўлди. Бу метод бошқа ишчилар томонидан кенг қўлланилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг IV Пленуми корхоналарнинг комсомол ташкилотлари ва ёш ишчилари олдига ишлабчиқариш мэданиятини ошириш ва озодалик учун курашни асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. Шаҳар корхоналарининг комсомол ташкилотлари ва ёш ишчилэри КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг IV Пленуми қарорларига жавобан бу муҳим масалага эътиборни тобора кучайтирмоқдалар. Айниқса «Тэштекстильмаш» заводида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтириш йўли билан ёшларнинг ишлэб-чиқаришдаги активлигини тобора оширмоқда. Комбинатда 80 та комсомол-ёшлар бригадаси ташкил қилинган. 1-нчи йигирув-тўқув фабрикасининг ўртоқ Сутюшева бошлиқ, читга гул босиш фабрикасининг ўртоқ Калинина бошлиқ, 3-нчи фабрикасининг ўртоқ Ключева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилашда намуна кўрсатмоқдалар.

Комсомол тэшкилотлари ёш ишчилар ўртасида рационализаторлик ҳаракатини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдалар. Бу соҳада экскаватор заводининг комсомол ташкилоти (секретари ўртоқ Ю. Умаров) қилаётган ишлар диққатга сазовордир. Заводнинг ёш ишчиси ўртоқ Гулиус токарьлик станогида илгари ишлатилиб келган ва жуда қимматга тушадиган резецларни минерал-керамик пластинкали резецлар билан олмоштиришни таклиф қилди. Завод комсомол комитети бу методни бошқа токарьлар ўртасида кенг пропаганда қилди. Янги метод билэн бевосита иш жойида таништирилди, лекция ва суҳбатлар ҳамда техминимум тўгараклэри ташкил қилинди. Ҳозир заводда пландаги 50 ўрнига 120 дан ортиқ операция ана шу усул билан бажарилаётир. Шунингдек комсомол аъзоси ўртоқ Н. Колмиков Сталин мукофоти лауреати Жиров кашф этган парнани янада мукаммаллаштириб, парналашда меҳнат унумдорлигини 2 ярим баровар оширишга муваффақ бўлди. Бу метод бошқа ишчилар томонидан кенг қўлланилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг IV Пленуми корхоналарнинг комсомол ташкилотлари ва ёш ишчилари олдига ишлабчиқариш мэданиятини ошириш ва озодалик учун курашни асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. Шаҳар корхоналарининг комсомол ташкилотлари ва ёш ишчилэри КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва ВЛКСМ Мэрказий Комитетининг IV Пленуми қарорларига жавобан бу муҳим масалага эътиборни тобора кучайтирмоқдалар. Айниқса «Тэштекстильмаш» заводида амалга оширилган тадбирлар диққатга сазовордир. Комсомоллар умумзавод йиғилишларида олган мажбуриятларини бажариш учун курашиб, завод территориясини, ҳарбир цех ва участкани тозалаш ҳафталиги ўтказдилар. Завод комсомол комитети эса коллектив ўртасида тозаликнинг соғлиқни сақлаш учун аҳамияти, ишлаб-чиқариш санитариясининг қоидалари, ишлаб-чиқариш маданияти ва аҳлоқ нормалари ҳақида ҳамда бошқа темаларда лекция, суҳбатлар уюштирди. Бу масала заводдэ чиқариладиган кўп тиражли газетада кенг ёритилмоқда. Бу соҳадаги иш яхши натижэ берди. Завод территорияси, цехлар тоза ҳолга келтирилди.

Шаҳар комсомол ташкилоти ёш ишчиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. «Тэшсельмаш» заводи, 1-нчи пойафзал фабрикаси, канон фабрикаси, Каганович номли завод ва бошқа кўпгина корхоналарнинг комсомол ташкилотлари ёш ишчилар учун ишлабчиқариш-техника курслари, тўгараклар ва мактаблар ташкил қилдилар. Бу курс ва мактабларда минглаб ёш ишчилар ўқиб, ўз малакаларини қунт билан оширмоқдалар.

Ишчиларнинг, айниқса ёшларнинг ишлабчиқариш малакасини оширишда техника кабинетлари ва кутубхоналари катта роль ўйнашлари керак. Бу соҳада темирйўлчилар Маданият саройи техника уйи актив иш олиб бормоқда. Бу ерда илғор иш методларини пропагандэ қилишга бағишланган лекциялар, отоқли темирйўлчилар билан учрашувлар тезтез уюштирилади, техника ва ҳужжатли фильмлар мунтазам равишда кўрсатилиб турилади.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларидан кейин шаҳар ва район комсомол комитетларининг бошлангич комсомол ташкилотларига раҳбарлиги бирмунча яхшиланди. Шаҳар комсомол комитети комсомол ва ёшларнинг активлигини ошириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ёш токарьлар, электриклар ва электросварщикларнинг шаҳар слётлари, шаҳар комсомол активининг ишлабчиқариш экономикасини ва илғор иш методларини ўрганиш юзасидан семинари ўтказилди. Шаҳар комсомол комитетининг бюросида илғор иш методларини оммалаштириш юзасидан бир қатор корхоналардаги комсомол ташкилотларининг ҳисоботи эшитилди.

Фрунзе район комсомол ташкилоти томонидан амалга оширилаётган ташкилий ва оммавий-сиёсий тадбирлар яхши натижа бераётир. Район комсомол комитети ўзининг бюро йиғилишларида бошлангич комсомол ташкилотларининг ҳисоботини тезтез эшитиш билан бирга, уларнинг фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда. Районда ёш қуручилар ва машинасозларнинг слётлари ўтказилди. Тўқимачилик комбинати, «Тэштекстильмаш» заводи, 1-нчи пойафзал фабрикаси каби йирик корхоналарнинг комсомол ташкилотлари корхоналарнинг ишлабчиқариш-хўжалик фаолиятида тобора актив қатнашмоқдалар. Район корхоналарида 108 та комсомол-ёшлар бригадаси ташкил қилинган, 10 мингга яқин комсомол ва ёшлар социалистик мусобақада актив қатнашмоқда. Шаҳар бўйича эса социалистик мусобақада қатнашаётган йигит ва қиз ишчиларнинг сони қарийб 40 минг кишини ташкил қилади. Улар давлат планларини ошириб бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, новаторлар ҳаракатини кучайтириш, техника прогрессини ривожлантириш ва ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштириш учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Шу билан бир қаторда шаҳар ва район комсомол комитетлари, кўпчилик бошлангич комсомол ташкилотлари фаолиятида ёш ишчиларни тарбиялаш, ёшлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш соҳасида жиддий хато ва камчиликлар ҳам бор. Жумладан, СССР йўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводининг комсомол комитети ёш ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришга кам эътибор бермоқда, ёшларнинг ишлабчиқариш фаолиятини диққат билан ўрганиб, ишлабчиқариш планларининг бажарилиши учун олиб борилаётган курашга тўғри бошчилик қилмаётир. Ёшлар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш, ишлабчиқаришга илғорларининг тажрибасини оммалаштириш масалалари билан кам шуғулланмоқда. Натижада заводнинг ёш ишчилари ўртасида меҳнат интизомини бузиш, кунлик нормаларни бажармаслик фактлари содир бўлмоқда.

Шаҳардаги айрим корхоналарда, жумладан, гўшт комбинати, 2-нчи пойафзал фабрикаси, «Қизил тонг» фабрикаси, «Ташкенткабель» ва электромеханика заводларида ёшлар ўртасида социалистик мусобақа бўш ташкил этилган, кўпчилик ёшлар социалистик мусобақага жалб этилмаган. Шаҳар қурилиш трестининг об'ектларида, темир йўл Тошкент бўлимининг паровоз депоси, пайпоқ-трикотаж фабрикаси, ремонт-подшипник заводи ва бошқа корхоналарда ёш ишчилар ўртасида илғор иш методлари, новаторларнинг тажрибаси етарли оммалаштирилмаётир, ёшларнинг малакасини ошириш, ёш ишчилар ўртасида рационализаторлик ҳаракатини кучайтириш масалаларига етарли эътибор берилмаётир. Ишлабчиқариш резервларини қидириб топиш ва ишга солиш, материал ва ҳомашёни тежаш, мавжуд ускуна ҳамда механизмларнинг қувватидан тўла фойдаланиш каби муҳим масалаларга комсомол ва ёшларнинг эътибори тўлиқ жалб этилмаётир.

Яна шуни айтиш керакки, айрим корхоналарнинг партия ва хўжалик раҳбарлари ёш ишчилар ҳақида яхши ғамхўрлик қилмаётирлар. «Ўзбекселькмаш», «Ташсельмаш», экскаватор заводи каби корхоналарнинг раҳбарлари ёшларнинг ётоқхоналарида йиллаб бўлмайдилар, комсомол йиғилишларига қатнашишни ўзларига эп кўрмайдилар. Ёш ишчиларнинг эҳтиёжларини ўргаммайдилар ва уларга зарур маданий-маиший шароит яратиб бериш ҳақида жиддий ўйламайдилар. Бу корхоналарда, шунингдек МПС, «Ташкенткабель», Каганович номли заводларда, «Қизил тонг» фабрикасида ва бошқа корхоналарда ёшларнинг ишлабчиқариш-техника ўқуви ҳақида ҳам етарли ғамхўрлик қилинмаётир. Район партия комитетлари ва корхоналарнинг партия ташкилотлари эса бу соҳадаги камчиликка хотима бериш учун зарур чоралар кўрмаётирлар.

Шубҳа йўқки, шаҳар комсомол ташкилоти партия ташкилотларининг яқиндан ёрдами ва раҳбарлиги остида КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг саноатни янада юксалтириш ҳақидаги қарорларини амалга ошириш учун курашни тобора кучайтириб, КПСС XX с'езди ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIII с'ездини меҳнат соҳасида янги ғалабалар билан кутиб олишга шаҳар комсомол аъзоларини тўла сафарбар этади.

А. АБДУНАБИЕВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

Қишқа сатрларда

☆ **Чиноз** районидаги «Қизил Октябрь» колхоз қишлоғи йил сайин обод бўлмоқда. Бу йил колхозда 30 дан ортиқ уй-жой, 3 та молхона, клуб ва чойхона бинолари қурилди.

Т. Хайдаров.

☆ **Мирзачўл** — Гулистон маршрути бўйича иккита автобус қатнайбошлади. Иккала район механизаторлари ўзлари учун тутдирилган бу қулайликдан бенихоя хурсанд бўлмоқдалар.

М. Абдураимов.

☆ **Оққўрғон** районида меҳнаткашлар талабини қондириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир район марказида катта ҳаммом қурилмоқда. Ҳаммом янги йил арафасида ишга туширилади.

М. Канзафаров.

☆ **Верхне-Волинск** район, Шўрўзак қишлоқ Советидаги Маленков номли колхозда янги радиоузел ўрнатилди. Ҳозир колхозчи меҳнаткашларнинг уйларига радио симлари тортилиб, репродукторлар ўрнатилмоқда.

Н. Азимов.

☆ **Чирчиқ** шаҳридаги «Промкомбинат» артели балиқларни ислайдиган янги цех ташкил қилди. Бу цех аҳоли учун сифатли исланган балиқдар ишлаб чиқармоқда.

Т. Сихарулидзе.

Дания бош министри ва ташқи ишлар министри Хансеннинг Москвага келишига доир

Ма'лум бўлишича, Совет Ҳукумати Дания бош министри ва ташқи ишлар министри Х. К. Хансенни Совет Иттифоқига келишга расмий суратда таклиф этган. Бош министр Хансен бу таклифни қабул қилган. Хансеннинг сафари 1956 йил март ойига мўлжалланган.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЙИЛИНИНГ ЯКУНЛАРИ

Чехословакия миллат мажлиси қишлоқ хўжалик қомитетининг йиғилиши

ПРАГА, 10 декабрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги билдиради: Прагада Чехословакия Миллат мажлиси қишлоқ хўжалик комитетининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда қишлоқ хўжалик министри Вратислав Крутина бу йилги ҳосилни ўриб-йиғиб олиш якунлари ва кузги дала ишларининг бориши тўғрисида сўзлаб берди. У қуйидагиларни та'кидлаб ўтди: айрим экинлар бўйича ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил плани ошириб бажарилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 22 центнер буғдой, 20,2 центнер жавдари буғдой, 20,1 центнер сули, 21,9 центнер арпа, 297,7 центнер қанд лавлаги, 60,3 центнер ем-хашак экинлари олинди. Ана шундай якунлар бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари ва якка деҳқон хўжаликлари маҳсулотининг кўпайишига, деҳқонлар турмуш даражасининг кўтарилишига ёрдам берди.

Металлургия заводининг совет проекти Ҳиндистон ҳукуматига тақдим этилди

ДЕҲЛИ, 10 декабрь. (ТАСС). «Индиан экспресс» газетасининг хабарида айтилишича, СССР Қора металлургия министрининг ўринбосари В. Б. Хлебников кеча Ҳиндистон темир ва пўлат министрлигининг секретари Бутхалингам ҳузурига кириб, унга Совет Иттифоқининг ёрдами билан Бхиланда қуриладиган металлургия заводи проектининг узил-кесил вариантини топширган.

В. Б. Хлебников темир ва пўлат министри Кришнамачари ҳузурида ҳам бўлган.

Марокаш компартияси сиёсий бюросининг баёноти

ПАРИЖ, 10 декабрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Касабланкадан олиб хабар беради: Марокаш Коммунистик партиясининг сиёсий бюроси баёнот э'лон қилди. Баёнотда, Марокаш ҳукуматининг тузилганлиги «Марокаш тарихида муҳим воқеадир» деб кўрсатилади. Шу билан бирга баёнотда компартия раҳбарлиги дастлабки консультацияларда қатнашишга жалб қилинмаганлиги ва янги ҳукумат составига компартия вакиллари киритилмаганлиги муносабати билан таассуф билдирилади. Сиёсий бюро «Марокаш халқининг орзуларини қондириш соҳасида ҳукумат томонидан кўриладиган ҳамма тадбирларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирали».

Компартия сиёсий бюроси ўз программасининг асосий пунктларини эслатиб, янги ҳукумат шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткашларнинг ёрдамига таянган тақдирдагина муваффақият қозониши мумкин, деб кўрсатади. Сиёсий бюро янги ҳукуматдан Франциянинг Марокашдаги қамал ҳолатини бекор қилишига, сиёсий маҳбусларни озод қилишига ва Марокаш аҳолисига демократик эркинликлар беришига эришишни талаб қилмоқда.

Германия Федерал Республикаси ҳукумати вакилининг айтганлари

БОНН, 9 декабрь. (ТАСС). Германия Федерал Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили Диль бугун Бонида ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаб, агар бирор давлат Германия Демократик Республикаси билан дипломатик муносабатлар боғласа, Германия Федерал Республикаси шу давлат билан ўзининг дипломатик муносабатлари масаласини қайта кўриб чиқиши лозим бўлади, деб айтди.

У, мухбирларнинг саволларига жавобан нега қайталаб та'кидлаб айтдики, Германия Федерал Республикаси Германия Демократик Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатган халқ демократияси мамлакатлари билан дипломатик муносабатлар боғламайди.

Бир мухбир, Германия Федерал Республикаси ҳукуматининг бу қарори Совет Иттифоқига ҳам таалуқлими, деб савол берганида Диль бунга жавобан, СССР билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигини алоҳида мустасно бир ҳол деб ҳисобламоқ керак, чунки Совет Иттифоқи Германияга нисбатан жавобгарликни ўз зиммасига олган тўрт давлатнинг биридир, деди.

Германия Федерал Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши мумкинми, деб берилган саволга жавобан Диль Хитой Халқ Республикаси халқ демократияси мамлакатлари қаторига киради, деб айтди.

Сўнгра Диль, агар Австрия Германия Демократик Республикаси билан дипломатик муносабатлар боғласа, Германия Федерал Республикаси Австрия билан ҳам дипломатик муносабатларда бўлмайди, деб айтди.

Шундай қилиб, Германияни қайта бирлаштиришга ҳаракат қилаётирмиз, деб печа қайталаб айтиб келган Германия Федерал Республикаси ҳукумати Германия Демократик Республикасига қарши қилаётган ўзининг ишлари билан у, мамлакатни реал равишда қайта бирлаштиришга манфаатдор эмаслигини яна бир марта очиқ кўрсатди.

Иври-Сенадаги сайловолди йиғилишида Морис Торез нутқи

ПАРИЖ, 11 декабрь. (ТАСС). Кеча Иври-Сенада Франция Коммунистик партияси биринчи сайловолди йиғилиши ўтказди. Компартия кандидатлари рўйхатига Марказий комитетнинг бош секретари Морис Торез биринчи бўлиб ёзилган.

Йиғилиш қатнашчилари Француз коммунистларининг раҳбарини тантана билан кутиб олдилар.

Морис Торез сайловчиларга қарата сўзлаган нутқида уқтириб айтдики, Коммунистик партия икки сабабга кўра, сайловларга ва ҳатто муддатидан олдин ўтказиладиган сайловларга ҳамиша тайёрдир: у ўз сайловчилари олдида ҳисоб беришни истайди, шунингдек «ҳозирги вақтда Америка продасига мамлакатни бўйсундириш натижасида ўтказилаётган қашшоқлик, реакция ва уруш сиёсатига мумкин қадар тезроқ хотима бериш зарур» деб ҳисоблайди.

Торез айтдики, ишчилар ҳизматчилар ва майда деҳқонларнинг турмуш шароити кундан-кунга оғирлашиб бормоқда, француз ёшлари бахтли келажакка эришиш истиқболидан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Бундай аҳвол учун жавобгарлик, деди у, барча ўнг сиёсий партияларнинг, шу жумладан Фор-Пинэ ҳукуматини қўллаб-қувватлаётган партияларнинг ҳамда Мендес-Франс «республика фронти»га қўшилган партияларнинг устига тушади. Шу партияларнинг ҳаммаси бирқанча йиллар мобайнида мамлакатдаги ҳукмрон гуруҳларнинг ҳозирги сиёсатини қўллаб-қувватлаб келдилар. Ишқақи масалаларида ҳам, социал та'минот, кексаларга ёрдам бериш масалаларида ҳам, уй-жой қурилиши масалаларида ҳам, ёшларга ёрдам бериш масалаларида ҳам бу иккала ўнг гуруҳнинг позициялари ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Торез дедики, Ғарбий Германияни қуроллантириш тўғрисидаги ва уни СССРга ва халқ-демократияси мамлакатларига қарши қаратилган Ғарбий Европа иттифоқига, я'ни агрессив ҳарбий блокка қўшиш тўғрисидаги қарорни ҳозир тарқатиб юборилган миллат мажлиси кўпчилигининг «энг халокатли иши» бўлди. Шу қарорни Мендес-Франс бошчилигида қабул қилдилар. Маш'ум «республика фронти»нинг раҳбарлари халокатли Ҳинди-Хитой урушини қувватлаб келдилар ва ёш француз солдатларини Жазоир халқининг миллий-озодлик ҳаракатини бостирмоқ учун Шимолий Африкага юбордилар.

Социалистик партияга келганда, деди нотиқ, унинг зиммасида ҳам оғир маъсулият бор. Ғирромликдан иборат сайлов системасини қўлланиб, реакцион кўнчиликни ҳокимият тепасига олиб келган партия социалистик партиянинг ўзидир. Шу сайлов системаси воситаси билан бизнинг партиямиздан 80 та депутатлик мандати ўғирлаб олинди.

Ҳар сафар бўлганидек, ўтган сафар ҳам реакция ишчилар ва демократик кучларнинг орасини бузиш натижасида ғалаба қозонган эди. Шу сабабли, халқнинг сиёсатни ҳақиқатан ўзгартиришга бўлган кучли интилишини рўёбга чиқармоқ учун пролетариат ва демократиянинг бутун кучини ва дастлаб социалистлар билан коммунистларнинг кучини бирлаштирмоқ зарур.

Биз буни айтиб келдик ва яна такрорламоқдамиз. Биз сайловларда сўл кучларнинг муваффақият қозонишини та'минламоқ ва сўнгра уларга мамлакатни бошқариш имкониятини бермоқ учун ҳамма чораларни кўришга тайёрмиз. Афсуски, социалистларнинг раҳбарлари бундай қилишдан яна бош тортдилар ва бу билан реакционерларнинг мақтовига сазовор бўлдилар, реакционерларнинг кўнгли тинчиди, чунки улар янги халқ фронти вужудга келади, деб ваҳимага тушиб қолган эдилар.

Торез, социалистларнинг раҳбарлари ўнг кучлар билан иттифоқ тузишни афзал кўраётганликларини та'кидлаб, социалистик партия раҳбарлигининг бу сиёсатини «ишчилар синфининг ва демократиянинг манфаатларига хиёнат қилиш» деб айтди. У та'кидлаб дедики, бундай сиёсат оддий социалистларнинг фикрига ва истагига хилоф равишда ўтказилмоқда, улар билан ҳеч қачон маслаҳатлашгани йўқ. Француз меҳнаткашлари, деди Торез, прогресс, тинчлик ва миллий мустақиллик сиёсатининг ғалаба қилишини та'минламоқ учун ўз сафларини бирлаштиришга интилмоқдалар.

Морис Торез уқтириб айтдики, фақат Коммунистик партиягина ўзининг бирлигини сақлаб қолди, аммо сайловларда қатнашаётган бошқа француз сиёсий партияларининг ҳаммасида катта келишмовчиликлар борлиги кўринмоқда. Торез ўз нутқининг охирида сайловчиларни прогресс, эркинлик, тинчлик ва миллий мустақиллик учун Коммунистик партия кандидатларининг ғалабасини та'минлашга чақирди.

Шу мажлисда Иври-Сена шаҳрининг мэри Жорж Марран ва Умуммеҳнат конфедерациясининг бош секретари Бенуа Франшон ҳам нутқ сўзладилар.

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва Бирма Иттифоқи Бош Министри У Нунинг биргаликда чиқарган баёноти тўғрисида «Нян дан» газетасининг ёзганлари

ПЕКИН, 10 декабрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг Ханойдан олиб билдиришича, «Нян дан» газетаси, Биргаликда чиқарилган Совет-Бирма баёноти Совет-Бирма муносабатларини мустаҳкамлашда янги қадам қўйилганлигини кўрсатади, деб ёзади.

Газета, Совет раҳбарлари ва Бирма Бош Министрининг якдиллик билан изҳор қилган фикрича, Ҳинди-Хитойга доир сиёсий проблемалар Женева битимига мувофиқ даҳол ҳал этилиши лозим, деб та'кидлайди.

Саудия Арабистони короли Сауд билан Ҳиндистон Бош Министри Нерунинг қўшма баёноти

ДЕҲЛИ, 11 декабрь. (ТАСС). Бугун Деҳлида Саудия Арабистони короли Сауднинг ва Ҳиндистон бош министри Нерунинг қўшма баёноти э'лон қилинди. Қўшма баёнотда бундай дейилади: Саудия Арабистони короли Сауд Ҳиндистонда бўлган вақтида у билан Ҳиндистон бош министри Неру ўртасида дўстона ва ғайри-расмий фикр олишув бўлди, шу жумладан кейинги халқаро воқеалар тўғрисида, ҳар иккала мамлакат учун алоҳида аҳамияти бўлган масалалар юзасидан фикр олишилди.

Король ва бош министр, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни камайтириш ҳозирги пайтнинг асосий вазифасидир, деб ҳисоблашмоқдалар. Ҳар иккала мамлакат тинч тотув бўлиб яшашнинг беш принципини тўла равишда қўллаб-қувватламоқдалар, чунки уларнинг фикрича, бу принципларгина жаҳондаги мамлакатларнинг тинч тотув бўлиб яшашлари ва ҳамкорлик қилишлари учун мустаҳкам негизни та'минлаб бераолади.

Баёнотда Ҳиндистон билан Саудия Арабистони ўртасида дўстона алоқалар мавжудлиги уқтириб ўтилган ва ҳар иккала мамлакат маданий, сиёсий ҳамда иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни янада давом эттириш йўли билан бу дўстликни мустаҳкамлашга тайёрдирлар, дейилади.

ГДР БОШ МИНИСТРИ ҲУЗУРИДАГИ МАТБУОТ БЎЛИМИНИНГ АХБОРОТИ

БЕРЛИН, 9 декабрь, (ТАСС). АДН агентлиги ГДР бош министри ҳузуридаги матбуот бўлимининг ахборотини билдирди. Ахборотда бундай дейилади: немис чегара полицияси Германия Демократик Республикаси ГДР давлат чегараларидаги, шу жумладан Берлинда секторлар ўртасидаги чегаралардаги қўриқчилик хизмати ГДРнинг конституцион қоидалари ва қонунлари асосида, шунингдек Франция, Англия ва АҚШнинг Ғарбий Берлинда жойлашган гарнизонларининг транспорти, ҳарбий хизматчилари қатнови ва мол-мулкларини ташилиши устидан контроль қилиб туриш тўғрисидаги битимларнинг алоҳида қоидаларини назарга олиб амалга оширилади.

Немис чегара полицияси органларига белгиланган контроль-пропуска пунктларида чегарадан ўтучи кишилар билан одобли ва хушмуомала қилиш тўғрисида кўрсатма берилди. Шу билан бирга немис чегара полициясига ГДРнинг суверенитетини ва қонунларини бузишга қаратилган ҳамма ҳодисаларга қаттиқ ва қат'ият билан хотима бериш тўғрисида ҳам кўрсатма берилган.

АҚШда фермерлар хонавайрон бўлмоқда

НЬЮ-ЙОРК, 10 декабрь. (ТАСС). Америка матбуоти АҚШда фермерларнинг ва айниқса майда хўжаликка эга бўлган фермерларнинг хонавайрон бўлиш процесси давом этаётганлиги тўғрисида хабар қилмоқда.

Яқинда рўйхат бюроси э'лон қилган ма'лумотларга қараганда, АҚШда 1950 йилдан 1955 йилгача фермалар сони 600 минг миқдорда камайган, шундан 400 минги майда хўжаликдан иборат бўлган фермалардир.

«Уолл-стрит Жорнэл» газетасининг хабар беришича, 1956 йил 15 мартгача яна тахминан 10 мингдан кўпроқ ферма кредиторларга топширилади, чунки бу фермаларнинг эгалари қарзларини тўлайолмайдилар.

Кубада студентларнинг ғалаёнлари

НЬЮ-ЙОРК, 10 декабрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг хабарига қараганда, Кубада студентларнинг бундан икки ҳафтача илгари бошланган ғалаёнлари давом этмоқда. Гатанда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида студентларнинг оммавий намойишлари бўлган. Студентлар ҳаракатига Гавана миллий университети ташкилоти бошчилик қилмоқда.

Агентликнинг билдиришича, студентлар Кубанинг президент Батиста бошчилигидаги ҳозирги ҳукумати юргизаётган сиёсатга қарши чиқмоқдалар. Батиста 1952 йилда диктатура ўрнатган эди.

Агентликнинг хабарига қараганда, Куба ҳукумати студентларнинг ғалаёнларини бостириш учун қаттиқ чоралар кўрган. Студентлардан 300 дан кўпроқ киши қамоққа олинган ва 100 дан ортиқ киши яралар бўлган. 8 декабрьда полиция билан студентлар ўртасида юз берган тўқнашувлар вақтида 30 киши яралар бўлган.

КАРАНТИН ТЎҒРИСИДА ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК УСИМЛИКЛАРИНИНГ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ҲАМДА КАСАЛЛИКЛАРИ БЛАН КУРАШ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛГАН СОВЕТ-АЛБАНИЯ КОНВЕНЦИЯСИНИНГ РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҚЛАРИ АЙИРБОШЛАНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1955 йил 10 декабрьда Москвада СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. С. Семёнов ва Албания Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси М. Прифти карантин ва қишлоқ хўжалик ўсимликларининг зараркунандалари ҳамда касалликлари блан кураш юзасидан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати блан Албания Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган Конвенциянинг ратификация ёрлиқларини айирбошладилар. Бу Конвенция 1955 йил 27 августда Тиранада имзоланган эди ва 1955 йил 3 ноябрьда СССР Олий Совети Президиуми томонидан ҳамда 1955 йил 3 октябрьда Албания Халқ Республикаси Халқ Мажлиси Президиуми томонидан ратификация қилинган эди.

Конвенция шартларига мувофиқ, ратификация ёрлиқлари айирбошлангандан кейин Конвенция кучга киради. Шундай қилиб, мазкур Конвенция 1955 йилнинг 10 декабридан бошлаб кучга кирди.

Ратификация ёрлиқларини айирбошлаш вақтида қуйидагилар ҳозир бўлдилар:

Совет томонидан—СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Шартнома-Ҳуқуқ Бўлимининг Мудири Г. И. Тункин, 5-нчи Европа Бўлими Мудири вазифасини ижро этучи В. Ф. Николаев, А. Л. Лаптев, А. С Мандибура.

Албания томонидан—Албания Халқ Республикасининг СССРдаги Элчихонасининг Биринчи Секретарьлари С. Хайро ва И. Спахиу, Учинчи Секретарь И. Кинети.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг сессияси

ХЕЛЬСИНКИ, 11 декабрь. (ТАСС). Бугун Хельсинкида доктор Жеймс Эндикотт раислигида Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг сессияси очилди. Кун тартибида халқаро аҳволни ўрганиш масаласи турибди.

Сессияда Лючио Луццатто (Италия), Уэнрайт (Англия), Лю Нин-и (Хитой), Валерио Кондер (Бразилия) сўзладилар.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг сессияси 13 декабрьгача давом этади.

Сессиянинг иши бошланиш олдидан Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг а'золари Япония тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг раиси, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг а'зоси профессор Икуо Ояма хотирасини бир минутлик сукунат блан эслаб ҳурматладилар.

БМТДА ХХРГА ЎРИН БЕРИЛИШИ ЛОЗИМ

Уругвай миллий давлат кенгашм раисининг баёноти

НЬЮ-ЙОРК, 10 декабрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, Уругвай Миллий давлат кенгашининг раиси Луис Батль Беррес 9 декабрьда БМТда ўтказилган матбуот конференциясида баёнот бериб, БМТда Хитойнинг қонуний вакилларига ўрин берилишини ёқлаб гапирган. Беррес БМТда гоминданчиларни эмас, балки Мао Цзэ-дун ҳукуматини кўришни афзал деб билганлигини айтган. У Хитой Халқ Республикасини назар-писанд қилмаслик мумкин эмас, деган.

Беррес, менинг фикримча, бутун дун'ёда тинчликни сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотида халқ сайлаган ҳамма ҳукуматларнинг вакиллари бўлмоғи лозим, деб уқтириб ўтган.

ТУРКИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ ТУЗИЛДИ

ЛОНДОН, 10 декабрь. (ТАСС). Аднан Мендерес 11 кун давом этган ҳукумат кризисига хотима бериб, янги ҳукумат тузди. Рейтер агентлигининг билдиришига қараганда, президент Баярнинг парламентга юборган мактубида янги кабинетнинг состави э'лон қилинган; Аднан Мендерес министрлар советининг раиси ва мудофаа министри қилиб тайинланган.



Қорасув районидаги Ленин номли колхознинг теплица хўжалигида шу кунларда помидор, редиска, пиёз ва шу каби бошқа сабзавот экинлари ўстирилмоқда. Бу ерда етиштирилган бодринглар декабрьнинг иккинчи ярмидан бошлаб терилабошлайди. **Суратда:** колхозчи ўртоқ **М. Қосимова** теплица комбинатида.

Х. Ҳаитмуҳамедов фотосн. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўзбекистон композиторларининг иккинчи с'езди

Ўзбекистон композиторларининг иккинчи с'езди ўз ишини давом эттирмоқда. Делегатлар ва меҳмонлар ўнбиринчи ва ўниккинчи декабрьда биринчи с'ездан буён ўтган давр ичида республика композиторлари яратган турли жанрдаги музика асарлари блан таништилар.

С'езд қатнашчилари Навоий номли ўзбек опера ва балет театрида Сталин мукофоти лауреатлари Р. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Гулсара» операсини тингладилар ҳамда Г. Мушельнинг «Раққоса» балетини тамоша қилдилар. Композиторлар Муқимий номли музикали драма ва комедия театрида «Муқимий» спектаклида бўлдилар. Тошкент давлат консерваториясида с'езд делегатлари учун камера ва хор музикасининг катта концерти берилди. Ўзбекистон давлат филармониясининг копелласи ва қизли музика асбоблари квартети, шунингдек солистлар Сталин мукофоти лауреати С. Юдаковнинг скрипка ва фортепиано учун фантазиясини, Г. Мушельнинг скрипка ва фортепиано учун сонатасини, М. Бурхонов қайта ишлаган ўзбек халқ ашулаларини, композиторлардан С. Бобоев, И. Акбаров, А. Муҳамедов, Пак Ен-дин ва бошқа композиторларнинг қўшиқларини ижро этдилар. (ЎзТАГ).

Мамлакат биринчилиги учун шахмат мусобақаси

ЛЕНИНГРАД. **(Телеграф орқали олинди).** Ўнтўртинчи турда Лутиков Лисицинни, Бейлин Гусевни, Владимиров Черепковни, Равинский Лейтни, Столяр Крогиусни ютди. Антошин—Эстрин, Бившев—Толуш партиялари дуранг бўлди.

Ўнбешинчи турда Бейлин Таймановга, Геллер Чистяковга, Крогиус Толушга, Равинский Эстрингга ютқазди. Холмов—Бившев ўйини дуранг бўлди. Қолган ўйинлар кечиктирилди.

Ўнолтинчи турда Черепков Эстрин устидан ғалаба қозонди. Антошин—Таймонов, Геллер—Владимиров ўйинлари дуранг бўлди.

Ўнеттинчи турда Лутиков гроссмейстер Толушни таслим бўлишга мажбур қилди. Гусев Черепковни ютди. Бейлин—Антошин, Лейн—Геллер, Таймонов—Равинский учрашувлари дуранг бўлди. Муҳиддинов Лейн ва Эстрингга қарши позицион устунликка эга.

Ўнсаккизинчи турда Лутиков Холмовга ютқазди. Равинский—Бейлин, Черепков—Таймонов, Муҳиддинов—Гусев, Геллер—Эстрин, Крогиус—Владимиров, Лисицин—Чистяков ўйинлари дуранг бўлди. Кечиктирилган ўйинни давом этдириб, Муҳиддинов Эстрин устидан ғалаба қозонди, Лейн блан бўлган ўйинни дуранг қилди. Гусев Равинскийни ютди.

Энг сўнгги — ўнтўққизинчи турда Геллер Гусевни, Лисицин Владимировни, Черепков Бейлинни ютди. Холмов — Столяр, Лутиков—Чистяков, Антошин — Равинский, Эстрин—Бившев, шунингдек Таймонов—Муҳиддиновнинг кечиктирилган партияси дуранг бўлди.

Шундай қилиб Антошин 11,5 очкога, Бившев 11 очкога, Лисицин, Таймонов, Холмов, Толуш 10,5 талан очкога, Муҳиддинов 9 очкога эга бўлдилар. Ғалабага эришган биринчи бешкиши финалга чиқди. Улар Бутуниттифоқ физкультура ва спорт комитетининг дипломи блан мукофотландилар.

Бир туғишда тўрт бола

ҚОЗОН, 10 декабрь. (ТАСС). Қозон корхоналаридан бирининг инженер-экономисти Юлия Васильевна Канева профессор Груздев номидаги акушерлик клиникасида бирйўла тўрт эгизак: уч қиз ва бир ўғил туғди.

Эгизаклар туғилганига икки ҳафтадан кўпроқ бўлди. Улар яхши ўсмоқда. Болалар анча семириб қолди ва уларнинг оғирликлари бир-бири блан тенглашиб қолди.

Юлия Васильевна ўзини яхши ҳис қилмоқда. Ҳар кун унга жуда кўп хат келмоқда, у блан бирга ишлашган ўртоқлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари унинг олдига келиб ҳол-аҳвол сўраб турибдилар.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Иван Тимофеевич **Гришинни** СССРнинг Чехословакия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси қилиб тайинлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13 ва 14/XII да **Чин муҳаббат.**

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/XII да **Бўронда,** 14/XII да **Тоҳир ва Зуҳра.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/XII да **Азиз ва Санам.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 13/XII да Ўзбекистон давлат филармонияси **симфоник оркестри ва хор капелласининг концерти.** Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

14/XII да Ўзбекистон давлат филармонияси **халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти. Концерт** кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 14/XII да Хитой циркининг энг кекса устаси **Ван Ю-ли** раҳбарлигида **Хитой халқ аттракциони.** Жаҳон рекордчиси **Григорий Новак гастрольлари.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЁШ ГВАРДИЯ» кинотеатрларида кундуз ва кечқурун кинокомедия **Максим Перепелица.**

НАВОИ номли — Кеч соат 9 яримда **Қизил ва қора** (иккала серия).

«ИСКРА» — сеанслар олдидан киножурналлар: 1) **Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Деҳлига келиши,** 2) **Деҳлида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига митинг.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА
(Беш'ёғоч)
13 декабрьда
Ўзбекистон давлат филармонияси
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
Концерти
(состави 75 кишидан иборат)
Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Коммуна Исмоилова,** ансамбль солистлари **Тоштемир Шарипов, Латофат Аҳмедова, Тўхта Иўлдошева, Дилором Шерова** ва бошқалар қатнашади.
Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

«КИНОПРОКАТ»
ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОУСТАНОВКАЛАРНИНГ
ЭКРАНЛАРИДА КЎРСАТИШ
УЧУН
МАКСИМ ПЕРЕПЕЛИЦА
НОМЛИ ЯНГИ КИНОКОМЕДИЯ ЧИҚАРДИ.
Сценарий автори — **И. Стадник.**
Постановкачи — **А. Граник.**
Максим Перепелица ролида — **Леонид Биков.**
Бу фильмни «Ленфильм» киностудияси 1955 йилда ишлаган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг органи
„Ўзбекистон хотин-қизлари„
журналига
1956 йил учун обуна бўлинглар!
«Ўзбекистон хотин-қизлари» номли сиёсий, адабий-бадиий журнал саҳифаларида асосан республика хотин-қизларининг ҳаёти ва уларнинг коммунизм қурилишидаги иштирокларини акс этдиради.
Журнал саҳифаларида Ўзбекистон хотин-қизларининг саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари ҳақида мақола, очерк, ше'р ва ҳикоялар босилиб туради.
Болалар тарбияси ҳақида педагогик маслаҳатлар, илмий-оммабоп суҳбатлар, врач маслаҳатлари, уй-рўзғор ишидаги аёллар учун пазандалар маслаҳати ва фойдали маслаҳатлар берилади.
Аёллар ва болалар учун энг янги модалар ҳам босилади.
1955 йилнинг октябрь ойидан бошлаб журналнинг ҳажми кенгайди. Рангли бадиий суратлар берилмоқда.
«Ўзбекистон хотин-қизлари» журналига обуна республиканинг барча шаҳар ва районларидаги почтахоналарда, шунингдек «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида қабул қилинади.
ОБУНА БАҲОСИ: бир йилга — 24 сўм, 6 ойга — 12 сўм.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуш бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 09699 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1558.